O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

● 2005-yil ● 7-aprel ● Payshanba ● 44-45 (27.380) ● uzbovozi@sarkor.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

АНЪАНАВИЙ ДЎСТЛИК ВА ЯНГИ АСОСДАГИ ҲАМКОРЛИК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 4-6 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛДИ

Давлатимиз раҳбари сафар олдидан журналистларга берган интервьюсида Ўзбекистон халқига Ҳиндистон ҳақида батафсил сўзлаб беришга зарурат йўқлигини таъкидлади. Бой тарих ва маданиятга эга бу мамлакатни кўпчилигимиз яхши биламиз. Лекин бугунги кун нуқтаи назаридан қаралганда, ҳозирги Ҳиндистон ҳақида кўп яхши фикрлар айтиш мумкин. Мамлакат саноат ишлаб чиқариши, жалб қилинаётган хориж сармояси ҳажми жиҳатидан дунёдаги дастлабки ўнликка киради. Ядровий технологиялар ва коинотни забт этиш борасида ҳам энг илғор мамлакатлар сафида туради. Жаҳонда ахборот технологиялари йўналишида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг ярмидан ортиғи Ҳиндистон ҳиссасига тўғри келади.

Дунёдаги энг кўп суғориладиган экин майдонига эга Ҳиндистон қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кўп асрлик анъаналари, замонавий ирригация технологияларининг ишга солиниши туфайли бир миллиарддан зиёд аҳолининг эҳтиёжини қондирибгина қолмай, катта миқдорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт ҳам қилади. Қулай сармоявий муҳит ва улкан бозор дунёнинг донгдор корпорацияларининг бу мамлакатга қизиқишини тобора оширмоқда. Биргина автомобилсозлик соҳасини олсак, Ford, Suzuki, Hyundai каби кўплаб машҳур компаниялар ўз маҳсулотини Ҳиндистонда ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйган.

Сўнгги йилларда ялпи ички маҳсулотда хусусий секторнинг улуши 75 фоиздан ошгани, ўртаҳол аҳоли сони кўпаяётгани (ҳозир 400 миллиондан зиёд) мамлакат иқтисодиёти замонавий бозор талаблари асосида ривожланаётганидан далолатдир. Умуман, иқтисодий ўсиш суръати борасида Ҳиндистон дунёда энг юқори поғоналардан бирида туради.

Президент Ислом Каримов Деҳлидаги расмий кутиб олиш маросимидан сўнг матбуот учун берган баёнотида Ҳиндистоннинг юксак салоҳияти ва катта нуфузига алоҳида тўхталди. Ўзбекистон бу мамлакат билан муносабатларни қадрлашини таъкидлади.

Ташрифдан кўзланган мақсад эса дўстона алоқаларни янада кенгайтириш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш юзасидан фикр алмашиш эди. Шундай бўлди ҳам.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Ҳиндистон Президенти Абдул Қалам ва Бош вазир Манмоҳан Сингх билан учрашувларида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш бўйича атрофлича фикр алмашди. Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўзаро манфаатли ҳамкорликни, айниқса, савдо-иқтисодий ва ижтимоий-маданий соҳалардаги алоқаларни янги поғонага кўтариши учун катта салоҳият ва имкониятга эга, бунга интилиш икки томонда ҳам кучли. Икки мамлакатнинг халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалаларга нисбатан қарашлари муштарак. Бу амалий ҳамкорликни ривожлантириш учун муҳим сиёсий асосдир.

Ислом Каримов Ҳиндистон вице-президенти Бхайрон Сингх Шекхават билан учрашувда парламентлараро алоқаларни ривожлантириш, муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Натвар Сингх, мудофаа вазири Пранаб Мукержи, савдо ва саноат вазири Камал Нат билан ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалалари, шунингдек, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашди.

Музокараларнинг амалий натижаси ташриф давомида имзоланган 13 ҳужжатда ўз ифодасини топди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, таълим ва маданият соҳаларида ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланди. Мудофаа вазирликлари ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги билан Ҳиндистон давлат савдо корпорацияси ўртасида англашув меморандуми, «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Ҳиндистон сайёҳликни ривожлантириш корпорацияси ўртасида англашув протоколи, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Ҳиндистон савдо-саноат палаталари федерацияси ҳамда Ҳиндистон экспорт ташкилотлари федерацияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Ҳиндистон давлат банки ҳамда Ҳиндистон экспорт-импорт банки ўртасида ҳамкорлик меморандумлари, «Ўзсаноатмашимпекс» давлат акционерлик ташқи савдо компанияси билан Ҳиндистоннинг «Компетент» компаниялари гуруҳи ўртасида Савдо уйи ташкил этиш тўғрисида меморандум, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Жавоҳарлаъл Неру университети ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик институти билан Мирзо Ғолиб институти ўртасида англашув меморандумлари имзоланди.

Бу ҳужжатларнинг ўзиёқ музокаралар нечоғли кенг қамровда ўтганини кўрсатиб турибди. Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама соликдан қочиш тўғрисида битимлар илгари имзоланган. Энди эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка оид ҳукуматлараро битим ишбилармонларнинг бевосита алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Таълим соҳасининг юксак аҳамиятини инобатга олган ҳолда томонлар бу йўналишда ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқди ва олий ўқув юртларининг алоқаларига кенг йўл очиб берди. Жавоҳарлаъл Неру университети ва Мирзо Ғолиб институтининг нуфузи Ҳиндистондан ташқарида ҳам юқори.

Маданият соҳасида 2005-2007 йилларга мўлжалланган дастур халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат қилади.

Мудофаа вазирликларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги ҳужжат бугунги воқелик нуқтаи назаридан қараганда ғоят долзарбдир. Юксак ҳарбий салоҳиятга эга Ҳиндистон билан бу борадаги алоқалар терроризмга қарши курашга доир ҳаракатларни мувофиқлаштиришда, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда ўзаро тажриба ва ахборот алмашишда жуда муҳим ўрин тутади.

Президент Ислом Каримовнинг Ҳиндистон сафарига давлат ташрифи мақоми берилгани Ҳиндистон раҳбариятининг Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришга катта иштиёқидан далолатдир. Ташриф асносида иқтисодий соҳага оид еттита ҳужжат қабул қилингани унинг нечоғли самарадор бўлганини ва қандай улкан аҳамиятга эгалигини кўрсатади. Савдо-саноат палаталари, банклар, сайёҳлик компаниялари ўртасидаги муносабатларнинг расмийлаштирилгани савдо-иқтисодий алоқаларга янги суръат бахш этиши тайин. Ҳамкорликда ташкил этиладиган Савдо уйи ҳам шу мақсадга хизмат қилади.

Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ҳажми 160 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистонда Ҳиндистон сармояси иштирокида тузилган қирққа яқин қўшма корхона ҳамда Ҳиндистондаги 4 компаниянинг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Деҳли музокараларида бу кўрсаткичларни ошириш, мавжуд имкониятларни тўла ишга солиш, Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия фаолиятини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз Ҳиндистонга асосан рангли металлар ва улардан ясалган буюмларни, айрим хизмат турларини, полиз маҳсулотларини, ипак ва кимёвий толаларни экспорт қилади. Импорт эса қоғоз ва картон, дори-дармон, ускуна, органик ва кимёвий бирикмалар каби маҳсулотлардан иборат. Бу рўйхатларни анча кенгайтириш мумкин. Самолётсозлик, нефть кимёси, ўғит, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, тери ва ёғочни қайта ишлаш сингари соҳаларда ҳамкорлик кўламини ошириш имкониятлари кўп. Юқори технологиялар, жумладан, ахборот технологиялари, шунингдек, тоғ-кон саноати борасидаги алоқаларни ҳам замон талабларига мос равишда ривожлантириш мумкин. Фан, таълим соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам долзарб аҳамиятга молик. Тарих ва фалсафа бўйича қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш, маданият ва санъат намояндаларининг ўзаро алоқасини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳиндистон товарлари ва хизматларининг Марказий Осиё бўйлаб ёйилиши учун Ўзбекистонда қулай шароит мавжуд. Ўзбекистон эса ўз ташқи савдосини ривожлантиришда ўндан ортиқ йирик ва икки юзга яқин кичик бандргоҳи бўлган Ҳиндистоннинг коммуникацияларидан янада кенг фойдаланиши мумкин.

Қисқача айтганда, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида савдо-иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги ҳамкорликнинг бугунги кўлами имкониятлар доирасига солинса, унчалик катта сегментни ташкил этмайди. Деҳли учрашувларида шу сегмент ҳажмини доира даражасига етказиш масалалари батафсил кўриб чиқилди ва муайян келишувларга эришилди.

Президент Ислом Каримов ташрифнинг учинчи куни «Ҳумоюн» ёдгорлик мажмуини зиёрат қилди. Бобур Мирзо асос солган салтанатни мерос олган Ҳумоюн Мирзо мақбараси — Деҳлидаги энг гўзал иншоотлардан. Айтишларича, мақбара учун жойни Ҳумоюннинг ўзи танлаган экан. Обида 1565 йилда, ўша кезлари меъморликни санъат даражасига кўтарган Мирза Ғиёс тарҳи асосида Ҳумоюн Мирзонинг рафиқаси Ҳамида Бегим раҳнамолигида бунёд этилган. Ҳиндистонда мақбаралар атрофини боғ-роғ билан безаш анъанаси айни шу маҳмуадан бошланган.

Ислом Каримов «Ҳумоюн» мажмуи Бобурийлар даврининг етук меъморий обидаларидан эканлигини таъкидлади. Аждодларимизнинг ҳинд заминида қолдирган улкан мероси халқларимизнинг тарихий муштараклигидан далолатдир. «Тож Маҳал», «Ҳумоюн» каби обидалар Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқлари учун бирдек қадрли ва азиз.

Деҳлидаги кўплаб биноларда «Тож Маҳал» ёки бошқа таниш атамаларни кўриш мумкин. Хусусан, Президентимиз учун ажратилган қароргоҳ ҳам «Тож Маҳал» деб номланган. Буларнинг барчаси маънавий қадриятларимизнинг муштараклигидан, халқларимизнинг бир-бирига яқинлигидан далолатдир.

Президент Ислом Каримов ташриф аввалида Маҳатма Ганди, сафар якунида Ҳумоюн Мирзо мақбараларини зиёрат қилгани азалий дўстлигимиз мустаҳкам эканлигига гўзал бир ишорадир. Анъанавий алоқаларимиз мустақиллик йилларида янгича асосда ривожланмоқда.

Бундан манфаатдор эканлигини икки томон ҳам эътироф этади. Кўп асрлик ришталарга эга бўлган Ўзбекистон ва Ҳиндистон муносабатлари бугун ўз тараққиётининг мутлақ янги даврига қадам қўймоқда. Давлатимиз раҳбарининг Ҳиндистонга бу галги, яъни давлат ташрифи ўзаро ҳамкорлигимиз тарихига ана шу даврнинг муҳим босқичи сифатида кириши шубҳасиздир.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Деҳли — Тошкент.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида

Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларининг жасорати ва фидойилигига чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб:

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари «1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги» юбилей медали билан мукофотлансин.

2. Мазкур Фармоннинг 1-бандида кўрсатилган шахсларга 20000 (йигирма минг) сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти белгилансин.

3. «1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги» юбилей медали ва пул мукофотини топшириш маросимини Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, Миллий хавфсизлик хизмати раиси, ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари маҳаллий ҳарбий бошқарув органлари, уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашлари вакиллари иштирокида тантанали равишда ўтказсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда юбилей медалларини топшириш ва пул мукофотларини тўлаш тартибини белгиласин, юбилей медаллари ва уларнинг гувоҳномаларини белгиланган тартибда тайёрлашни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2005 йил 6 апрель

КЕНТ ШАҲЗОДАСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллиги қирол оиласи аъзоси, Кент шаҳзодаси Майкл Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси раиси Н.Аҳмедов билан учрашди.

Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасида тоғ-кон саноати соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Кент шаҳзодаси Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюриб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи нодир экспонатларни кўздан кечирди. Музейга «Амир Темур сиймоси» миниатюралар альбомини ҳадя қилди.

Шаҳзода Майкл Навоий вилоятида бўлиб, «Амантайтов-Голд филдз», «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхоналари фаолияти билан танишди.

(ЎзА)

ЮРТИМИЗ ЎҒЛОНЛАРИ — ТИНЧЛИГИМИЗ ҚАЛҚОНЛАРИ

Бу гапни ҳамкасбларимиздан бири айтиб берган эди. Бир оғайнисининг ўғлини уйлантириш ниятида совчиликка боришибди. Қиз томон уларни яхши кутиб олиб, ҳурматини жойига қўйибди. Бўлажак куёв қизларига муносиб эканлигини айтишибди. Фақат қудаларнинг «Куёв хизматда бўлганмилар?» деган саволига совчилар жавоб бериша олмай қолишибди. «Бўлмаса, гап бундай, — деб шарт қўйибди қиз тарафдагилар, — куёв армияга бориб келсин, ундан кейин тўйни қилаверамиз».

— Хуллас, оғайнимизнинг ўғлини армияга бориб келганидан кейин уйлантирганмиз, — дейди суҳбатдошим.

Ҳа, йигит киши учун ҳарбий хизматда бўлиш нафақат бурч, балки ор-номус ҳамдир.

Мамлакатимиз Қуролли Кучларида ўтказилаётган ислоҳотлар боис, ҳарбий хизматчилар салоҳияти ошиб, аскар ва сержантларга эътибор ортди. Энди ҳамма ҳам муддатли ҳарбий хизматга чақирилавермайди. Чунки миллий армиямизда профессионаллашув жараёни кечмоқда. Хизмат қилишни хоҳловчи талабгорлар кўп. Йигитлар минг чиғирикдан ўтгач, армияга олиняпти.

Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктидамиз. Бу ерда чақирилувчиларни қўшинларга тантанали жўнатиш тадбири бўлиб ўтаяпти. Чақирув комиссия аъзолари, ҳокимликлар, Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари вакиллари, фахрийлар ва отаоналар иштирокидаги муддатли ҳарбий хизматга жўнатишга бағишланган митингда бир гап қайта-қайта таъкидланди: «Ватан ҳимоясига кетяпсизлар, халқимиз сизларга ишонади, ана шу ишончга муносиб бўлинглар!».

2-бет

ЎзХДП янгиликлари

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

партия ташкилотларини амалий ишда, янада фаолроқ бўлишга ундайди, деган қарорга келдилар Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон республика кенгашининг II пленуми иштирокчилари

Пленум қизғин баҳс-мунозараларга, аниқ таклиф ва мулоҳазаларга бой тарзда ўтди. Партия кенгаши биринчи котиби Атаулла Асанов пленумда маъруза қилиб, иштирокчилар эътиборини бўлиб ўтган сайловлар, ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши ташкилотларининг унда иштироки якунлари масаласига қаратди.

— Бу галги сайловлар ижобий маънодаги кескин рақобат ва ҳалол курашлар асосида ўтганлиги билан алоҳида аҳамиятлидир, — деди партия кенгаши раҳбари. — Асосийси, ҳозир халқимиз онги, тафаккури ўсган бир шароитда ЎзХДП сайловларда ўзининг аниқ позицияси ва мавжуд ижтимоий негизи билан иштирок этди. Партиямиз тутган бу йўлни Қорақалпоғистон Республикасидаги ЎзХДП аъзолари, маҳаллий аҳоли жуда яхши қабул қилиб, катта умид ва ишонч билдирдилар. Энди барча имкониятларимизни партиямиз Сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга оширишга қаратишимиз керак.

Маърузачи бу йўлда партия кенгашларининг турли нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини бутунлай янгича йўналишда олиб бориши, хусусан, асосий эътиборни бугунги кунда жуда долзарб бўлиб турган мафкуравий соҳага қаратиши лозимлигини таъкидлади. Бунинг учун партия ташкилотлари қандай аниқ режаларни ишлаб чиқиб, бажаришлари кераклигини айтиб ўтди. Шунингдек, пленум кун тартибига қўйилган қатор муҳим масалалар, жумладан, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2005-2009 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури, «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурининг бажарилишида партия ташкилотларининг иштироки, Қорақалпоғистон иқлими шароитидан келиб чиқиб, ЎзХДП Экологик дастури юзасидан амалга ошириладиган ишлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Муҳокамага қўйилган масалалар юзасидан ЎзХДП Тахтакўпир, Нукус туман, Тахиатош, Нукус шаҳар кенгашлари биринчи котиблари С.Аллашев, Ж.Уразбоев, Д.Дурдиев, Д.Нуржонов ва Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири М.Туримбетова сўзга чиқиб, партия ташкилотлари фаолиятини амалий вазифаларга йўналтириш юзасидан фикр-мулоҳазаларини, аниқ таклифларини билдирдилар. Сўзга чиққанлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси қабул қилган Баёнотни қўллаб-қувватладилар ва фракциянинг парламент озчилиги мухолифати сифатида фаолият юритишини мамлакатимизда демократик жараёнларнинг ривожланаётганлигидан далолат эканлигини таъкидладилар.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Устави (янги таҳрири)га мувофиқ, Атаулла Асанов ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси, Саденбай Нурманов, Алписбой Ибодуллаев раис ўринбосарлари этиб сайландилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Пойтахтимизнинг «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Металлургия, кимё ва энергетика — IndustriaLexpo Uzbekistan — 2005»

БИРИНЧИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА ИШ БОШЛАДИ

Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Россия, Украина, Белорусия, Туркия, Германия, Латвия ва бошқа яна қатор давлатларнинг йирик компаниялари, корпорациялари корхоналари ўзларининг жаҳон стандартлари ҳамда замонавий андозалардаги маҳсулотлари билан қатнашмоқдалар.

Бу ерга ташриф буюрганлар 8 апрелгача давом этадиган мазкур кўргазмада кимё, нефть-кимё, маиший кимё; қора ва рангли металлургия маҳсулотлари, шунингдек, энергетика ускуналари ҳамда технологиялари билан танишадилар. Чунончи, Ўзбекистоннинг «Осиё электр гуруҳи», Олмалиқ ва Навоий кон-металлургия комбинатлари, «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, Чирчиқ трансформатор заводи, Германиянинг «Shimadzu Dentschland GmbH», Россиянинг «Нитва», «Каустик», Туркиянинг «AsKaynak», Украинанинг «Трубосталь», Белорусиянинг «Техноприбор» корхоналари маҳсулотлари кўргазма иштирокчиларида қизиқиш уйғотиши ва ўзаро савдо-сотиқни йўлга қўйишларида пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзкимёсаноат» ДАК, республика Савдо-саноат палатаси ташаббуси ва ташкилотчилиги ҳамда Ўзбекистондаги «ZarExpo» кўргазмалар компанияси кўмагида ўтаётган мазкур тадбир келгусида Ўзбекистонда тоғ-кон, металлургия, кимё ва энергетика саноатини янада ривож топишида катта аҳамият касб этади.

Замон АЛИ

Суратда: кўргазмадан лавҳа

С.ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензиялангган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензиялангган

ALOQABANK —
aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензиялангган

Ватан ҳимояси — олий шараф

ЮРТИМИЗ ЎҒЛОНЛАРИ — ТИНЧЛИГИМИЗ ҚАЛҚОНЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Атрофга назар ташлаймиз. Ҳамманинг юз-кўзида қувонч, ҳаяжон. Бирин-кетин ҳарбий хизматчиларга эсдалик совғалари топширилди. Тантанали кузатув қатнашчилари ва ҳарбий хизматчилар учун байрам тушлиги ва концерт ташкил этилди.

Мана, ниҳоят чақирилувчилар автобусга ўтириб, белгиланган манзил томон йўл олишди. Кимдир фарзандини, укасини, яна бошқаси жиянини кузатиш учун бу ерга келган. Уларнинг айримлари билан суҳбатлашдик.

— Биз Қибрай туманининг «Байтқўрғони»дан бўламиз, — дейишди **Саломат опа ва Рихсивой ака Холматовлар.** — Беш нафар фарзандимиз бор. Бугун кенжамиз Эркин армияга кетяпти. Очиғи, ўғлимизнинг ҳарбий хизматга олинганидан хурсандмиз.

— Ота-онам менинг чегара қўшинларида хизмат қилишимни эшитиб, роса қувонишди, — дея гапга қўшилди чақирилувчи **Эркин Холматов.** — Бизлар нега армияга кетаётганимизни ва Ватанни кимлардан қўриқлашимизни жуда яхши биламиз.

Улуғбек Рашидов Чиноз тумани «Йўлтушган» жамоа хўжалигидан армияга чақирилган. Уни кузатгани опаси Собира, акаси Бахтиёр Рашидов билан бирга амакиси Шарифжон Хўжаев ҳам келган.

— Оилада олтита бўлсак, Улуғбек энг кенжаси, — дейди мамнун ҳолда **Собира Рашидова.** —Йигит киши учун армия жуда катта ҳаёт мактаби. Бу гап баландпарвоздай туюлиши мумкин, лекин аслида шундай. Укам тенгдошлари ичидан танланиб, хизматга чақирилганидан фахрланамиз.

— Мен ҳам чегарада хизмат қиламан, — дейди Улуғбек хурсанд бўлиб. — Ватан сарҳадлари — муқаддас. Ҳамиша ҳушёр туриб, уни қўриқлаш керак. Биз бурчимизни виждонан бажарамиз.

Паркент тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиғи подполковник **Улуғбек Салимов** шундай дейди:

— Профессионал армия — ҳаётий зарурат. Бугунги кунда йигитлар танлов асосида армияга чақириляпти. Хизматга олинаётганлар нафақат жисмоний жиҳатдан бақувват ва соғлом бўлишлари, балки юксак маънавиятли, чуқур билимли, Ватани, юрти билан фахрланадиган чинакам фидойи ҳам бўлишлари талаб этилади. Тошкент вилоятидан ҳарбий хизматга чақирилганлар орасида саккиз нафар паркентлик ўғлонлар ҳам бор. Улар чақирув комиссияси аъзолари синовларидан муваффақиятли ўтиб, Қуролли Кучларимиз сафидан жой олишади. Юртбошимиз таклифи билан муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил қилиб белгиланиши, аскар ва сержантларимизга яратилаётган қулай шароитлар, уларга берилаётган имтиёзлар, ишга жойлашишда устуворлик сингари қулайликлар ҳарбий хизмат нуфузини ошираётгани сир эмас. Бугун хизматга жўнаб кетаётганларни сараларнинг сараси, деб айтишга барча асослар бор. Негаки, улар соғлом, билимли, дунёқараши шаклланган, баркамол ёшлардир.

... Тошкент вилоятидан Қуролли Кучларимиз сафига чақирилган бир гуруҳ ўғлонларни тантанали кузатишга келганлар соғ бориб, эсон-омон қайтишларини тилаб, дуога қўл очдилар.

Улар эса чегараларимизнинг дахлсизлиги, осмонимизнинг мусаффолиги учун кечаю кундуз хизмат қилишга тайёр. Халқимиз юрт ўғлонларига ишонади ва бу муносиб фарзандлар билан ҳақли равишда фахрланади. Дарҳақиқат, миллий армиямиз мустақиллигимиз, тинч-осойишта ҳаётимиз кафолатидир.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири
Шавкат АКРАМОВ
олган суратлар

Долзарб мавзу

Республика Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ташаббуси билан манфаатдор вазирликлар, идоралар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда кенг тадбиркорлик субъектлари иштирокида бўлиб ўтган бевосита юзма-юз мулоқотда «Тадбиркорликнинг ривожланиши учун соғлом рақобат муҳитини яратиш — устувор мақсадимиз!» мавзуида сўз борди. Унда Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг (шу йил, 28 январь) қўшма мажлисида сўзлаган дастурий маърузаларида белгиланган устувор вазифалар муҳокама қилинди.

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИДА — СОҒЛОМ РАҚОБАТ БОШ ОМИЛ

Мулоқотни олиб борган Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси **Жамшид Сайфиддинов** ўз маърузасида тармоқдаги мавжуд суньий тўсиқларни бартараф этиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашувларини чеклаш, уларга қулай ва ҳалол рақобат муҳитини яратиб бериш ва бу борада амалдаги қонунчилик базасини такомиллаштириш вазифаларига оид масалалар ҳақида гапирди.

Таъкидландики, ўтган йили республикада иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланиб, у 107,7 фоизга бажарилди. Саноат ҳажмининг ўсиши 9,4 фоизни, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 13,4 фоизни, аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ўсиши 13,8 фоизни, чакана товар айланмаси ҳажмининг ўсиши 4,7 фоизни ташкил этди.

Олиб борилаётган изчил иқтисодий ислоҳотлар натижасида 2004 йилда истеъмол нархлари инфляцияси даражаси 3,7 фоиз бўлиб, мамлакатда макроиқтисодий барқарорликка эришилди.

Шу ўринда ўтган йили ялпи ички маҳсулотда хусусий секторнинг улуши 35 фоиздан ортиқ бўлганлиги, унинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салмоқли ҳисса қўшаётганлигига алоҳида урғу бериб ўтилди.

Лекин, бу борада ҳамон ечими кутаётган муаммо ва тўсиқларнинг мавжудлиги қайд этиб ўтилди. Бир томондан тадбиркорлик фаолиятига жойларда давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимият органларининг айрим ҳолларда асоссиз аралашувлари ҳамда чекловлари сабаб бўлаётган бўлса, иккинчи томондан айрим қўштирноқ ичидаги тадбиркорлар ҳам борки, улар ўз фаолиятларини қонун доирасида амалга ошираяптилар, деб бўлмайди.

Маърузачи Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузасида мамлакат иқтисодиётини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг устувор мақсадлари ҳақида тўхталаркан, **«Табиий монополиялар (нефть-газ, энергетика, алоқа темир йўлларда юк ва йўловчи ташиш ва коммунал хўжалик) соҳаларида таркибий ислоҳотларни давом эттириш ва ушбу соҳаларга кичик ҳамда хусусий бизнес субъектларини жалб қилиш йўли билан монополиядан чиқариш ва рақобат муҳитини шакллантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди,** — дея таъкидлади. Шу билан бирга **хусусий секторни иқтисодиётдаги улушини 2007 йилгача 45 фоизгача етказиш** вазифаси белгиланганига алоҳида урғу берди.

Тадбиркорларга ва фаолиятини бошлаётган ишбилармонларга ҳозирги кунда монополлашган бозор (қурилиш маҳсулотлари, кимё саноати, машинасозлик, донни қайта ишлаш саноати, автомобилсозлик саноати, стандартлаш, метрология ва сертификатлаш, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиш, пилла ва ипакчилик соҳаси, мева-сабзавот ва узум саноати, ёғ-мой тамакисаноат, автомобиль йўллари) соҳаларига кириб келишлари тавсия қилинди. Бу ўз навбатида, ушбу соҳаларда рақобат муҳитини ривожлантириш, жумладан, кичик ва хусусий бизнеснинг ундаги улушини ошириш учун кенг имкониятлар мавжудлиги айтиб ўтилди.

Йиғилиш давомида тадбиркорлар эътибори Ўзбекистон Республикасининг **«Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»**ги Қонунининг айрим жиҳатларига қаратилди. Чунончи, монополияга қарши қонунчиликда биринчи навбатда тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний равишда аралашаётганлардан ҳимоя қилиши, жумладан, давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг янги хўжалик юритувчи субъектларни ташкил қилишга чеклашлар жорий этиш, айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун камситувчи ёки имтиёзли шарт-шароитларни белгилаш каби ҳужжатлари ҳамда ҳаракатларини тақиқлаш кўзда тутилганлиги яна бир бор иштирокчиларга эслатиб ўтилди.

Мисол тариқасида, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият юритишида камситувчи ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида биргина 2004 йилда маҳаллий давлат ҳокимиятлари томонидан қабул қилинган қарор ва фармойишлардан 575 таси монополияга қарши қонунчилик талабларига зид равишда қабул қилинганлиги аниқланди.

Масалан: Тошкент шаҳри Юнусобод тумани ҳокимлигининг 2003 йил 5 декабрдаги 01-11/2015 сонли хатида туман «Юнусобод Инвест» унитар корхонасига имтиёзли равишда импорт товарларига тўланадиган божхона мажбурий тўловларини 90 кунга кечиктирилиши ҳақида маълум қилинган;

Тошкент шаҳри Чилонзор тумани ҳокимлиги 2004 йил 23 мартдаги 1-4/469 сонли хатида «Компрадор» МЧЖга топширган ҳужжатларида камчилик бўлишига қарамасдан, улгуржи савдо қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома муддатини имтиёзли равишда узайтирган;

Тошкент шаҳри Яккасарой тумани ҳокимлигининг 2003 йил 23 октябрдаги 01/489 сонли хатида туман «Темир-бетон маҳсулотлари-1» ОАЖдан хайрия сифатида 100 м.куб бетон маҳсулоти берилиши сўралган ва ҳ.к.

Ҳокимликларнинг рақобат қонунчилигига зид бўлган бундай қарор ва фармойишлари қўмитанинг белгиланган тартибда берилган кўрсатмасидан кейин бекор қилинди.

Ҳозир оммавий ахборот воситалари орқали тадбиркорларни ҳимоя қилиш тўғрисида берилаётган эълонларга жавобан тадбиркорлар томонидан қўмита ва унинг ҳудудий органларига кўплаб мурожаатлар келиб тушмоқда. Уларда тадбиркорлар асосан маҳаллий ҳокимликлар томонидан дўкон, ошхона очишда ҳамда фермерлик фаолиятини ташкил этишда, товар хомашё биржасида маҳсулот сотиб олишда, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан тегишли хизмат турларини кўрсатишда, банкдан кредит олишда бўлаётган муаммоларни кўтармоқдалар. Масалан: **Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги «Абу Исо Муҳаммад Ат-Термизий» фермер хўжалиги бошлиғи А.Бобоёров шу туманда жойлашган У.Юсупов номли ширкат хўжалигини қайта ташкил этилиши муносабати билан тендер савдосида қатнашишга рухсат беришни сўраб 2005 йилнинг 4 январида тендер комиссиясига мурожаат қилган.**

Ариза берилганига 3 ой вақт ўтганига қарамай туман ҳокимлиги томонидан А.Бобоёровни тендер савдоларида қатнашишига асоссиз равишда рухсат берилмаган. Монополияга қарши органнинг кўрсатмасидан кейингина А.Бобоёров тендер савдоларида иштироки таъминланди.

Товар хомашё биржаларида маҳсулот сотиб олишда бўлаётган муаммолар асосан тадбиркорлар томонидан кам миқдорда маҳсулот сотиб олинишидан келиб чиқмоқда. Чунончи: **Наманган вилояти Чуст туманидаги «Таъминотчи-Ф» МЧЖ, Хоразм вилояти Гурлан туманидаги «Болдоқли» ишлаб чиқариш корхонаси, Фарғона вилояти Фурқат туманидаги хусусий тадбиркор К.Тошқўзиева товар хомашё биржасининг вилоят филиалларига 10 тоннагача бўлган миқдорда ун сотиб олиш учун мурожаат қилганликлари ва олдиндан пул ўтказганларига қарамай асоссиз сабабларга кўра биржа савдоларига рухсат берилмаганлиги тўғрисида қўмитага мурожаат қилганлар.**

Шунга ўхшаш ҳолат, Тошкент шаҳридаги «Gassin Markaziy Osiyo» чет эл корхонаси ишлаб чиқариш учун зарур хомашё — «Шўртангазкимё» мажмуасининг маҳсулоти бўлган полиэтилен грануласига эҳтиёжи бир ойда 3 тоннани ташкил қилиши, товар хомашё биржасида эса бу маҳсулот сотувга энг ками 10 тонна миқдорида қўйилаётганлиги тўғрисида мурожаат қилган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан қўмита Республика товар хомашё биржасига савдога қўйилаётган маҳсулот миқдорини чегараламатлик, уни кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда белгилаш тўғрисида хат билан мурожаат қилди. Республика товар хомашё биржаси раиси Т.Тохтабоев ўз хатида биржа савдоларига маҳсулотлар 1 тонна миқдоридан бошлаб қўйилишини маълум қилган.

●●●

Мулоқот давомида сўзга чиққан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси бош Прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳамда тадбиркорлик субъектлари вакиллари кичик ва хусусий бизнес субъектларини ривожлантиришнинг мақсад ҳамда вазифалари, прокуратура органлари томонидан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар, солиқ сиёсатида тадбиркорларга енгиллик яратиш йўлида амалга оширилаётган тадбирлар ва божхона органларида кичик ҳамда хусусий бизнес субъектлари учун вужудга келтирилаётган қулайликлар ҳақида гапирдилар.

Йиғилиш иштирокчилари томонидан бу каби анжуманларни доимий равишда ўтказиб бориш тўғрисида келишиб олинди ва унда иштирок этган оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
Илҳом КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбирлари

Журналист текшируви

ЕРДАН ЙЎЛ ЙЎҚ, УЧИБ ЎТАЙ ДЕЙИШСА ҚАНОТ...

ЁКИ ТЕКШИРУВ ИДОРАСИНИНГ ҚАРОРИ ОҚИБАТИДА БИР ЖАМОАНИНГ ЙИЛЛАБ САРГАРДОНЛИККА УЧРАГАНИ ҲАҚИДА

Бугунги кунда айрим тадбиркорларнинг вақти ҳамда маблағи иш фаолиятини ривожлантиришдан кўра бошқа масалаларга ҳам анчамунча сарф бўлаяпти десак, бу фикрга кўпчилик қўшилса керак. Айтайлик, у бирор ҳужжатга имзо қўйдириш учун фалон раҳбарнинг қабулхонасида ойлаб ўтиради. Ёки нотўғри текширувдан кейин айбсизлигини исботлаш мақсадида узоқ вақт югуриши мумкин. Натижада, асосий иши бир ёқда қолиб кетади, давлат ғазнасига тушадиган солиқ тушуми камаяди. Энг ёмони, тадбиркорнинг ўз ишидан кўнгли қолади.

Президентимиз бу ҳолдан куюниб Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида **«Биз барчамиз, биринчи навбатда қонун ҳимоячилари, шўро давридан қолган эски иллатлардан тўла халос бўлишимиз, тадбиркорлик, бизнес ва хусусий сектор вакилларига нисбатан муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз керак. Минг афсуски, ўзимиз яхши қонунлар яратамизу, ўзимиз уларга қатъий риоя қилмаймиз. Тадбиркорлик фаолиятига ноҳолис, тирноқ остидан кир қидириш кайфияти билан қараштан бутунлай воз кечиш, аксинча, уларнинг манфаатлари ва қонуний ҳуқуқлар ҳимоясини тўла таъминлаш фурсати етди»**, деган эди.

Дарҳақиқат, ушбу масаланинг яна бир бор кўтарилиши бежиз эмас. Афсуски, кичик бизнес фаолиятига асоссиз аралашувлар, суньий равишда тўсиқлар қўйиш, ўзларига берилган ваколатларидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиб, тадбиркорни тийиб қўйишга уринишлар ҳамон учрамоқда.

Масалан, баъзи бир ҳолатда солиқ идораси ходимлари катта миқдордаги молиявий жаримани нотўғри қўллаганлиги ўз исботини топган бўлса, бошқасида божхоначиларнинг ноқонуний равишда тадбиркор товарларини олиб қўйганлиги аниқланмоқда. Айтинг-чи, тадбиркор ўзининг қонунни бузмаганлигини уни муҳофаза қилувчи идораларга исботлаб бериши учун қанча вақти ва асаби кетади? Унга етказилган маънавий зарарни ҳисоблаб бўладими? Ишончни-чи, тиклаб бўлармикин? Ортиқча сарсон-саргардонлик учун ким жавоб беради?

Бюджет олдидаги қарзни ундириб олиш учун Олтиариқ солиқ инспекцияси ходимлари тумандаги «Ўрта Осиё» жамоа корхонаси мулкини ғаройиб тарзда сотишган. Дарвоза корхонада, йўлак сотилган. Ховлидаги токлар (ишкоми билан), тарозихона ва консерва цехи корхона ихтиёрида, қолган 11 та бино эса сотилган. Консерва цехи билан токларга эгалик қилайлик дейишса, уларга олиб борадиган йўл бировники. Йўлак билан бино эгалари ўтишга қўйишмайди. Хуллас, 5 йилдан бери ердан йўл йўқ, учиб ўтай дейишса қанот.

Биз бу ғалва «ижодкорлари» солиқ хизмати ходимлари деб бежиз таъкидлаганимиз йўқ. Дарҳақиқат, шундай. Наманган вилоят хўжалик суди апелляция ҳайъатининг қонуний кучда бўлган хусусий ажримида (2003 йил, 18 апрель) ушбу ҳолатга қуйидагича баҳо берилган: суд **«...корхонанинг маъмурий биноси сотиб юборилганлигини, сотилмай қолган мулкларга кириш учун шу маъмурий бино ҳудудидан ўтишлари лозимлигини, бироқ, янги мулкдорлар уларнинг мулкларидан фойдаланиш учун тўсқинлик қилаётганликларини ўрганиб чиқиб, бундай ҳолатнинг юз беришида солиқ инспекцияси ходимларининг Низом талабларига риоя этмай, мулкларни навбат асосида сотишни ташкил қилмаслигидан келиб чиққан, деб ҳисоблайди»**.

Суднинг қайд этишича, ишлаб чиқариш учун мўлжалланган бундай маъмурий бинолар Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1996 йил 8 ноябрда тасдиқланган Низомга асосан охирги навбатда сотилиши белгиланган. Лекин корхонанинг 28 номдаги бошқа мулклари мавжуд бўлган ҳолда Олтиариқ солиқ инспекцияси ходимлари томонидан негадир маъмурий бино сотиб юборилган... Бунинг оқибатида ўз мулки жойлашган ҳудудга киролмаётган корхона аъзолари ишсиз, фаолияти эса мана бир неча йилдан бери тақа-тақ тўхтаган, бюджетга тушум йўқ. Иккала томон ўртасида эса тортишув, тушунмовчилик давом этмоқда.

Аслини олганда корхона аъзоларининг солиқчиларга нисбатан анча-мунча эътирозлари бор.

Корхона ҳужжатларини 1999 йилда прокуратура топшириғига кўра текширган вилоят солиқ бошқармаси ходимлари А.Тешабоев ва М.Каримов «Ўрта Осиё»нинг бюджет олдида 9 млн. 999 минг 300 сўм қарзи борлигини далолатномаларида акс эттиришади. (Бу далолатномага нисбатан бўлган эътирозлар ҳақида кейинроқ ҳикоя қиламиз.) Натижада, Олтиариқ туман солиқ инспекцияси вилоят хўжалик судига ушбу қарз суммасини корхона мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги талаб билан чиқади. Суд томонидан талаб қаноатлантирилади. Корхонанинг мол-мулки қўлларига ўтган солиқчилар ўзларини эркин қўйиб солиқчилар таянган тавсифномани бериш ваколатига эгамикин? Бу ҳужжатни ушбу ҳолатга асос қилиб олиб бўлармикин? Ёки биргина «КамАЗ»ни сотиш орқали корхонанинг қарзини тўлаш мумкин бўла туриб автоулов, яна рефрежератори билан, гилдираклари нархида сотиб юборилишини қандай тушуниш мумкин? Агар «КамАЗ» металлом учун топширилганда ҳам бундан қимматроқ нархланган бўларди. Корхонанинг «Маз» автоулови эса оз эмас, кўп эмас 320 минг сўмга баҳоланиб сотиб юборилган. Юриб турган уловга бу паст нархми, юқорими, хулоса қилиб олаверинг.

Ҳали бу ҳаммаси эмас. 0,78 гектар ердаги ўн йиллик 223 туп хурмо дарахти ғуж-ғуж мевалари билан 600000 сўмга яқин суммага сотилган. Ўз кашфиётларини «қонунлаштириш» мақсадида бўлган солиқ инспекцияси ходимлари хурмозорни баҳолашда Олтиариқ деҳқон бозори маъмуриятининг «1-4 йиллик хурмо кўчатлари 200-400 сўмдан сотилаяпти» деган маълумотномасини асос қилиб олишган (2000 йил). Мевазор боғнинг баҳосини чиқариш учун бозор маъмуриятининг маълумоти асос бўла қолсин. Лекин унда кўчат ҳақида гап кетаяпти, дарахт тўғрисида эмас. Энди айтинг, дарахтнинг нархини ким чиқаради? Мевасинингчи?

Мутахассислар фикрига кўра, ҳосилга кирган бир йиллик хурмо дарахтининг қиймати 17500 сўм экан. Ўшанда 223 туп дарахт 3902500 сўмни ташкил этади. Собиқ Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик ишлаб чиқариш бирлашмаси корпорацияси (Ҳозирги «Мева-шарбат» боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш корпорацияси) Фарғона филиали катта илмий ходимлари К.Йўлдошалиев, М.Деҳқонов ва Р.Хаитов маълумотига кўра, Фарғона водийси шароитида 10-11 ёшли хурмо дарахтининг ҳосилдорлиги бир тупига 100-120 килони ташкил этади. 223 туп хурмо дарахтининг ҳар тупи дейлик 100 кг. ҳосил қилганда унинг меваси 22 тонна 300 кг. бўлади. Хурмо мевасининг паст бўлган баҳосини — 400 сўмга кўпайтирганингизда 9 миллионга яқин пул бўлади. Яъни хурмо боғи энг минимал ҳосилбланганда ҳам 13 миллиондан кам нарх олмасди.

Энди мана бу ҳолатга эътибор беринг. Солиқ инспекцияси бошлиғи М.Мирзаевнинг 13 октябрь 2000 йилда корхона аъзоси Т.Маматхўжаевга ёзган хатига кўра, бу вақтга келиб корхона қарзи ҳисобига 3.038.398 сўм, 18 тийин тўланган. Корхонанинг қолган мол-мулкларини сотиш эвазига («Камаз», «Маз» автоулови, қушхона, жун тери омбори, қабул қилиш пунктлари) тўланган қарз суммасини (5.086628 сўм) 3.038.398 сўмга қўшсангиз, 8 миллиондан ошади. Кўриб турганингиздек, бу умумий қарз — 9.999300 сўмга анча яқинлашди.

Бундан ташқари корхонанинг мақола бошида тилга олинган маъмурий бино ва хурмо боғи 5403642 сўмга сотилган. 8 миллионга ушбу суммаларни қўшсангиз 13.528668 рақами ҳосил бўлади. Яъни корхона аъзолари текширишда аниқланган 9.999.300 сўм ўрнига 14 миллионга яқин пул тўлашган бўлиб чиқяпти. Уларни ажаблантирган нарса шуки, маъмурий бино (жами 11 номдаги бинолар) ва хурмозор 5.403 минг сўмга фуқаро Лазокат Маматовага 9 октябрь (2000 йил) куни сотилган бўлса-да, Олтиариқ солиқ инспекцияси бошлиғи берган 10 ва 13 октябрдаги маълумотда негадир бу сумма акс этмаган. Худди мана шу факт шубҳали. Бу пуллар «Ўрта Осиё» корхонасининг қарзини тўлатишга қаратилдимийўқми? Тўлов квитанциясида эса «Ўрта Осиё» қарзи учун эмас, негадир фойда солиғи деб ёзиб қўйилибди. Ушбу объект сотилиши ҳақидаги эълон объект сотилгандан сўнг, яъни 21 октябрь куни (12 кундан кейин) «Давр овози» газетасида эълон қилинганлиги ҳам шубҳа уйғотади.

Шуларга асосланиб, «Ўрта Осиё» корхонаси аъзолари Олтиариқ солиқ инспекцияси ходимларининг 10 миллион ўрнига бир неча миллион кўпроқ пул ундиришганини ва бу пуллар қарзни қоплашга қаратилмаганини, умуман, қарз суммаси бўлган 9.999.300 сўмнинг нотўғри ҳисобланганини қайта-қайта таъкидлашмоқда.

Риштон туманидаги ёпиқ акциядорлик жамияти «Мухосиб-аудит» аудиторлик ташкилоти раҳбари, аудитор Н.Мажидовнинг 2002 йил 9 ноябрдаги хулосасига кўра, **«Ўрта Осиё» жамоа бирлашмаси бўйича ўтказилган текшириш натижасига биноан тузилган далолатномада молиявий жарималар 4864347 сўм 39 тийинга кўп ҳисобланган.** Хадича Сулаймонова номидаги Республика илмий тадқиқот криминалистика маркази эксперти С.Холмуҳамедованинг 6 октябрь 2003 йилдаги хулосасидан:

— солиқнинг далолатнома матнида кўрсатилган айрим турлари бўйича суммалар жадвалда кўрсатилган тегишли маълумотлар билан тўғри келиши шарт. Шунга қарамай жадвалда кўрсатилган маълумотлар далолатнома матнида мавжуд эмас;

— далолатноманинг жадвал қисмида рақамли кўрсаткичлар қисқартирилган ҳолда келтирилган (йиллик бўйича), бу ҳолатда якуний суммалар келиб чиқиш сабабларини аниқлаб бўлмайди;

— далолатномада қайси бирламчи ва йиғма бухгалтерлик ҳужжатлари якуний натижаларни келтириб чиқариш учун асос бўлганлиги кўрсатилмаган;

— якуний натижаларни келтириб чиқариш ҳисоб-китоблари акс эттирилмаган ва ҳоказо.

Суд эксперти мазкур ҳолатдан келиб чиқиб далолатнома талабга зид равишда тузилган, деган хулосага келади.

Кўриб турганингиздек, мутасаддди идоралар юқоридаги ҳолатлар бўйича қизиқиб кўрсалар мақсадга мувофиқ иш бўларди. Чунки одамларнинг адолатга ва қонун устуворлигига бўлган ишончи уларнинг мурожаатлари нечоғли ўрганилаётганлиги ҳамда мулки қанчалик ҳимояланганлигига боғлиқдир. Зотан, «Ўрта Осиё» корхонасининг 36 нафар ишчиси 1999 йилда бошланган машмашалардан ҳали-ҳануз ўзларига келишолмаяпти. Улар қонун эртами-кечми оқни оққа, қорани қорага ажратишига ишонадилар.

Акбар ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ

УСТАВИ

(янги таҳрири)

Буклаш чизиғи

Қирқиш чизиғи

ишлар бошқармаларини тузишлари ёки ишлар бошқарувчиларини тайинлашлари мумкин.

Туман, шаҳар партия кенгашларининг мол-мулкини ва пул маблағларини тезкорлик билан бошқаришни, қоида тарифасида, кенгаш раислари амалга оширадилар.

Ўзбекистон ХДП корхоналари ва муассасаларини уларнинг уставлари ва низомларига асосланган ҳолда, уларнинг раҳбарлари бошқарадилар.

69. Бошланғич партия ташкилотларининг Устав фаолиятини молиялаштириш

Бошланғич партия ташкилотларининг устав фаолиятини маблағ билан таъминлаш учун партияга аъзолик бадаллари ва бошқа тушумларнинг ҳар йили Қорақалпоғистон республика, вилоят ва Тошкент шаҳар партия кенгаши, тегишли ҳудудий партия ташкилоти бюджетини тасдиқлаш билан бир пайтда белгиланадиган миқдордаги қисми ажратилади.

Ушбу маблағларни бевосита бошланғич партия ташкилотлари эҳтиёжлари учун сарфлашни, уларнинг таклифига кўра, тегишли туман, шаҳар партия кенгашларининг ижроия қўмиталари амалга оширадилар.

Бошланғич партия ташкилотлари ўз устав фаолиятлари учун айрим фуқароларнинг уларга ихтиёрий равишда ўтказаётган маблағларидан фойдаланишлари мумкин.

X. ЎЗБЕКИСТОН ХДПнинг РАМЗЛАРИ

70. Ўзбекистон ХДП рамзлари

Ўзбекистон ХДП ўз рамзлари — байроқ, нишон ва вимпелга эга бўлади. Улар Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленумида тасдиқланадилар ва қонунда белгиланган тартибда тегишли давлат органларида рўйхатдан ўтказиладилар.

XI. ЎЗБЕКИСТОН ХДПнинг УСТАВИ ВА ДАСТУРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ

71. Ўзбекистон ХДПнинг Устави ва Дастурига ўзгартиришлар киритиш тартиби

Ўзбекистон ХДПнинг Устави ва Дастурига ўзгартиришлар Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларининг фикр-мулоҳазалари ҳисобга олиниб, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши тақдими асосида партия қурултойи қарори билан киритилади. Ушбу масалаларга оид қарор қурултой мажлисида қатнашаётган делегатларнинг кўпчилиги — учдан икки қисмининг овози билан қабул қилинади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси қурултойдан сўнг Уставга киритилган ўзгартиришлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига маълум қилади ва унга барча зарур ҳужжатларни тақдим этади.

XII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

72. Якуний қоидалар

Ўзбекистон ХДПнинг давлат органлари ва бошқа юридик шахслар билан муносабатларига тегишли, партия Уставида кўзда тутилмаган ҳоллардаги масалалар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

Буклаш чизиғи

Қирқиш чизиғи

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

манфаатларини ифодалайди ва унинг номидан иш юритади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши унинг таркибига Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларидан белгиланган тенг меъёрда юборилган вакиллардан ҳамда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзолари умумий сонининг бешдан бир қисмидан ошмаган миқдорда партия қурултойи сайлайдиган аъзолардан иборатдир.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашига сайлаш учун меъёр, қоида тарифасида, унинг пленуми томонидан қурултойни чақириш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш билан бир вақтда белгиланади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг пленумлари заруратга қараб, аммо йилда камида бир марта ўтказилади ва унинг аъзоларидан ярмидан кўпроғи қатнашган тақдирда тегишли ҳуқуққа эга бўлади.

Пленумда иштирок этаётган Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинган қарорлар бутун партия учун мажбурийдир.

40. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг ваколатлари

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ўз пленумларида:

Ўзбекистон ХДП устав фаолиятининг муқаррар масалаларини муҳокама этади, улар юзасидан барча партия ташкилотлари учун бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва унинг Дастури ҳамда Устави доирасида бошқа умумпартиявий хужжатларни қабул қилади;

ўзининг таркибидан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Сиёсий ижроия қўмитасини (кейинчалик — Сиёсий ижроқўм), шу жумладан, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг раиси ва унинг ўринбосарларини сайлайди, зарур бўлган ҳолларда қурултойда сайланадиган Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзолари таркибини қисман янгилайди;

Ўзбекистон ХДП қурултойлари оралиғидаги даврда Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатади;

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди;

ҳар йили Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ва Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг фаолияти ҳақидаги ахборотини эшитади;

партия марказий оммавий ахборот воситалари бош муҳаррирларини тасдиқлайди;

Уставнинг айрим қоидаларини қўллаш тартибига аниқлик киритувчи, барча партия ташкилотлари учун бажарилиши мажбурий бўлган меъёрий ҳужжатларни тасдиқлайди;

Ўзбекистон ХДП қурултойи берадиган бошқа ваколатларни амалга оширади.

41. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг ишчи органлари

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг доимий ишчи органлари қуйидагилар:

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Сиёсий ижроқўми;

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг Ҳайъати.

Зарур бўлганда, партия устав фаолиятининг айрим йўналишлари бўйича Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзолари, партиянинг

Буклаш чизиғи

Қирқиш чизиғи

бошқа аъзоларидан иборат Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши комиссиялари, ишчи гуруҳлари ёки бошқа вақтинчалик ишчи органлари тузилиши мумкин.

42. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Сиёсий ижроқўми

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Сиёсий ижроқўми партиянинг марказий ижроия ва мувофиқлаштирувчи органидир. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг пленумлари оралиғидаги даврда, Сиёсий ижроқўм Ўзбекистон ХДП қурултойи ва Марказий Кенгаши унга берган ваколатлар доирасида, партиянинг манфаатларини ифода этади ва унинг номидан ҳаракат қилади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Сиёсий ижроқўми пленумда сайланган Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, раис ўринбосарлари ва Сиёсий ижроқўмнинг бошқа аъзоларидан иборат бўлади. Қорақалпоғистон республика партия ташкилоти унинг таркибига ўз вакилини юбориш ҳуқуқига эга.

Сиёсий ижроқўмнинг мажлислари заруратга қараб ўтказилади ва унда сиёсий ижроқўм аъзоларининг ярмидан кўпи қатнашган тақдирда, қонуний ҳуқуққа эга, деб ҳисобланади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча партия ташкилотлари ва кенгашлари учун мажбурийдир.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми:

бошқа, шу жумладан, хорижий сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар билан муносабатларда Ўзбекистон ХДП номидан иш юритади;

Ўзбекистон ХДП қурултойлари ва Марказий Кенгаши пленумлари қарорларининг бажарилишини ташкил қилади, Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси фаолиятини мувофиқлаштиради;

Қонунчилик палатасининг бўшаб қолган депутатлари ўрнига ўтказиладиган сайловларда Ўзбекистон ХДП иштирок қилган тақдирда, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатади;

партия марказий оммавий ахборот воситалари таҳририятларининг аъзоларини тасдиқлайди;

партиянинг муассасаларини, корхоналарини ташкил этади, уларнинг уставларини тасдиқлайди ва раҳбарларини тайинлайди, фаолиятини назорат қилади;

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленуми унга берган бошқа ваколатларни амалга оширади.

43. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми Ҳайъати

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми Ҳайъати пленумларда сайланадиган Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ва унинг ўринбосарларидан иборат бўлади ва партиянинг марказий ижроия-бошқарув органи ҳисобланади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми Ҳайъати йиғилиши заруратга қараб ўтказилади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми Ҳайъатининг қарорлари барча партия ташкилотлари ва кенгашлари учун мажбурийдир.

Қирқиш чизиғи

публикаси ҳудудида ҳаракат қилувчи бошқа сиёсий партиялар депутатлик бирлашмалари билан умумий нуқтаи назар бўйича келишишлари ёки уларга нисбатан ижобий мухолифатда бўлишлари мумкин.

Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг бошқа сиёсий партиялар фракциялари билан ҳамкорликда ишлаб чиққан нуқтаи назари тўғрисидаги қарори фракция раҳбари томонидан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми билан келишилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳларининг бошқа сиёсий партияларнинг депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликда ишлаб чиққан нуқтаи назари тўғрисидаги қарори депутатлар гуруҳи раҳбари томонидан тегишли ҳудудий партия кенгаши ижроия қўмитаси билан келишилади.

62. Ўзбекистон ХДПнинг халқаро ташкилотлар, хорижий сиёсий партиялар ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхоналари билан муносабатлари

Ўзбекистон ХДП халқаро ташкилотлар, хорижий сиёсий партиялар ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхоналари билан муносабатларини ўз сиёсий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида тақиқланмаган, партия Дастури ва Уставига зид бўлмаган шаклларда ўрнатади.

VIII. ЎЗБЕКИСТОН ХДПнинг МОЛИЯВИЙ МАБЛАҒЛАРИ ВА МУЛКИ

63. Партия фаолиятини молиявий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш

Ўзбекистон ХДП ва унинг ташкилотлари фаолияти молиявий ва моддий-техник жиҳатдан ўз маблағлари, партия аъзолик бадаллари, тадбиркорлик фаолияти даромадидан, Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари хайриялари ҳамда Ўзбекистон Республикаси бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан таъминланади.

64. Ўзбекистон ХДП мулки

Ўзбекистон ХДП тасарруфидаги бинолар, иншоотлар, хўжаликлар, нашриётлар, транспорт воситалари, асбоб-ускуналар, анжомлар, маданий-маърифий ва соғломлаштириш мақсадида фойдаланиладиган мулк, пул маблағлари, шунингдек, партия маблағлари ҳисобидан сотиб олинган ёки вужудга келтирилган бошқа мол-мулк партиянинг ўз органлари, муассаса ва ташкилотлари орқали эгалик қилиш ҳуқуқи объектларидир.

Ўзбекистон ХДП кенгашлари, корхоналари ва муассасалари ўз ихтиёридаги мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, банк муассасаларида ҳисоб рақамига, ўз номи туширилган муҳрга эгадирлар, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олишлари ва амалга оширишлари, судда ўз зиммаларига мажбурият олишлари, жавобгар ва даъвогар бўлишлари мумкин.

Партия мулкини сотиш ёки уни бошқача тарзда ҳисобдан чиқариш масалаларини ҳал қилиш Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий

тидан мониторингни олиб бориш, унинг асосида мавжуд муаммоларни ва уларни ҳал этиш имкониятларини аниқлаш, партиянинг тегишли дастурий ҳужжатлари ва таклифларини ишлаб чиқиш, бунга жамоатчилик эътиборини жалб қилиш;

аҳоли ўртасида партиянинг рейтинги ва жамоатчилик фикрини ўрганиш;

партиянинг дастурий мақсадлари ва вазифалари, қарорларини тарғиб қилиш, унинг органлари ва ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги ахборотларни эркин тарқатиш, партиянинг жамиятдаги ижобий имижини яратиш мақсадида йиғилишлар, конференциялар ва бошқа ижтимоий аҳамиятга молик тадбирларни ўтказиш, партия сафларига янги аъзоларни тортиш ва аҳоли орасида унинг тарафдорлари сонини кўпайтириш;

нашриётлар, ахборот агентликлари, оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда ноширлик фаолиятининг бошқа шаклларини амалга ошириш;

партия аъзолари ва тарафдорлари ўртасида, уларнинг сиёсий ва фуқаролик маданиятини шакллантиришга йўналтирилган маърифий ишларни олиб бориш;

партияга қабул қилиш, партия аъзолари ҳисобини юритиш, партия органлари ва ташкилотларини тузиш, тугатиш ва қайта ташкил этишга оид ишларни, қонунчиликда ва мазкур Уставда кўзда тутилган партия ва унинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича бошқа тадбирларни амалга ошириш;

партия ташкилотлари фаолларининг турли тоифалари учун, уларда партиянинг Устав фаолиятини ташкил қилишнинг тегишли кўникмаларини ҳосил этиш мақсадида, турли шакллардаги ўқув ва ахборий-маслаҳат кўмагини ташкил этиш;

Устав вазифаларини амалга ошириш учун фойдаланадиган партия мулки объектларини ривожлантириш ва ишлатиш учун яроқли ҳолатда сақлаб туриш.

Партия ўзининг устав вазифаларини амалга ошириши учун биноолар, иншоотлар, ускуналар, нашриётлар, транспорт воситалари ва бошқа мол-мулкка эга бўлиши, шунингдек, тегишли ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва хўжалик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

4. Ўзбекистон ХДП фаолиятининг ҳудуди

Ўзбекистон ХДП ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида амалга оширади.

5. Ўзбекистон ХДП марказий органларининг қароргоҳи

Ўзбекистон ХДП марказий органлари Тошкент шаҳар, Мустақиллик майдони, 5-бинода жойлашган.

II. ЎЗБЕКИСТОН ХДП ТУЗИЛМАСИ

6. Ўзбекистон ХДП аъзолари бирлашувининг асосий тамойиллари

Партия аъзолари бирлашувининг асосий ташкилий шакли Ўзбекистон Республикасининг тегишли маъмурий-ҳудудий субъектлари доирасида тузиладиган ҳамда партия аъзоларини бевосита турар жойи, касб-кори ёки жамоатчилик фаолияти бўйича бирлаштирувчи партия ташкилотларидир.

Буклаш чизиғи

Қирқиш чизиғи

лотлари олдида уларнинг қарорларини бажариш юзасидан ҳисобдорлик қоидасига амал қилган ҳолда, ўз ваколатлари доирасида қарорларни мустақил қабул қиладилар.

32. Ўзбекистон ХДП раҳбар ва ижроия органларининг қарор қабул қилишлари тартиби

Партиянинг раҳбар ва ижроия органлари қарорлари овоз бериш орқали, оддий ёки белгиланган қатнашчиларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овоз бериш ва унинг якунларини ҳисоблаш тартиби, агар мазкур Уставда унинг бошқача йўли кўзда тутилган бўлмаса, тегишли партия органи йиғилиши иштирокчиларининг ихтиёрига кўра белгиланади.

33. Ўзбекистон ХДП раҳбар ва ижроия органлари қарорларининг мажбурийлиги

Ўзбекистон ХДП раҳбар ёки ижроия органининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари тегишли партия органи бирлаштирган барча партия ташкилотлари ва партия аъзолари учун мажбурийдир.

Ўзбекистон ХДП раҳбар ёки ижроия органи томонидан қабул қилинган қарорлар партиянинг дастурий мақсадлари ва унинг Уставига зид бўлмаса, юқори партия органлари томонидан бекор қилиниши мумкин эмас. Партия аъзолигидан чиқариш тўғрисидаги қарорлар бундан мустасно.

34. Ўзбекистон ХДП сайланма органлари ва ташкилотлари фаолиятида жамоатчилик асослари

Партия ташкилотлари, уларнинг сайланма органлари, асосан, жамоатчилик асосида ишлайдилар. Улар партиянинг устав фаолияти масалаларини ҳал этиш учун партия аъзолари ва бошқа фуқароларни жамоатчилик ишларига жалб этишнинг қонунчиликка зид бўлмаган ҳар қандай шакларидан фойдаланишлари мумкин. Бунда тегишли вазифалар ишдан ташқари вақтда бажарилиши шарт.

35. Ўзбекистон ХДП ижроия органлари ишчи аппарати

Ўзбекистон ХДП ижроия органлари, ўз ваколатлари даврида, устав фаолиятларини ахборот-таҳлил, тахминий-социологик, молиявий-хўжалик, ташкилий ва маслаҳатлашув хизмати билан таъминлаш учун ўзларига бўйсунадиган, меҳнат шартномаларига мувофиқ ташкил қилинадиган ишчи аппаратини тузадилар.

Аппарат ходимларига нисбатан меҳнат, ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта тўғрисидаги қонунчилик қўлланилади.

36. Ўзбекистон ХДП раҳбар ва ижроия органлари фаолиятини назорат қилиш

Ўзбекистон ХДП раҳбар ва ижроия органлари фаолияти устидан назорат қилиш уларнинг вақти-вақти билан тегишли партия ташкилотлари ва юқори партия органлари олдида ҳисобот беришлари билан таъминланади.

Ўзбекистон ХДП органлари, ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолияти ва партия бюджетининг тўғри шаклланиши ҳамда маблағларнинг сарфланиши устидан назорат Ўзбекистон ХДП Марказий Тафтиш Комиссияси ва ҳудудий партия ташкилотларининг тафтиш комиссиялари томонидан амалга оширилади.

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон ХДП ҳудудий кенгашларига сайлаш учун меъёр тегишли кенгаш пленуми томонидан, қоида тарифасида конференция чақириш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш билан бир вақтда белгиланади.

Ҳудудий партия кенгашлари пленумлари заруратга қараб, аммо ҳар йили камида бир марта ўтказилади ва уларда кенгаш аъзоларининг ярмидан кўпроғи иштирок этганда, қонуний ҳуқуққа эга бўлади.

Пленумда қатнашган кенгаш аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинган ҳудудий партия кенгаши қарорлари мазкур кенгашга ҳисобдор органлар ва қўйи ташкилотлар учун мажбурийдир.

47. Ҳудудий партия ташкилотининг конференцияси ва ҳудудий партия кенгашининг ваколатлари

Ҳудудий партия ташкилотларининг мутлақ ваколатлари доирасига қуйидагилар киради:

Уставда кўзда тутилган тегишли партия кенгаши аъзоларини сайлаш;

Ҳудудий партия ташкилоти тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш;

Ҳудудий партия кенгаши, ҳудудий партия ташкилоти тафтиш комиссияси ҳисоботларини тинглаш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, тегишли халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП партия гуруҳларининг ҳисоботларини тинглаш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

Тегишли ҳудудий партия ташкилоти фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш.

Ҳудудий партия ташкилоти конференцияси ва партия кенгашининг умумий ваколатларига қуйидагилар киради:

Юқори партия ташкилоти конференцияси ва Ўзбекистон ХДП қурултойига делегатлар сайлаш;

Ўзидан юқоридаги ҳудудий партия кенгашига ва Ўзбекистон ХДП марказий органларига юбориладиган мухтор вакилларини белгиланган меъёр бўйича сайлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш;

Ҳудудий партия ташкилоти фаолиятининг бошқа масалаларини кўриб чиқади.

Ҳудудий партия кенгаши ўз пленумларида:

Ўзининг таркибидан кенгаш ижроия қўмитасини, шу жумладан, кенгаш раиси ва унинг ўринбосарини сайлайди, зарур бўлган ҳолларда конференция сайлаган ҳудудий партия кенгаши аъзолари таркибини қисман янгилайди;

Кенгаш ижроия қўмитаси фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди;

Ҳар йили кенгаш ижроия қўмитасининг ҳисоботини ва тегишли давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳининг ахборотини эшитади;

Ҳудудий партия ташкилоти конференцияси томонидан берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Қирқиш чизиғи

тавсияларига мувофиқ ташкил этади.

Жуда муҳим сиёсий масалалар юзасидан нуқтаи назарларни келишиб олиш учун партия фракцияси ва Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ёки унинг Сиёсий ижроқўмининг биргаликдаги қўшма мажлислари ўтказилиши мумкин.

Фракция аъзолари Қонунчилик палатасида овоз беришда биргаликда ишлаб чиқилган нуқтаи назарларга асосланадилар.

Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси ўз фаолияти тўғрисида ҳар йили Марказий Кенгаш пленумига ахборот беради. Қонунчилик палатаси ваколати давридаги фаолияти бўйича унинг ҳисоботи партия қурултойида эшитилади.

58. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳлари ўз фаолиятларини партия дастурий ҳужжатлари, тегишли ҳудудий партия ташкилотлари конференциялари томонидан белгиланган парламентчилик фаолияти вазифалари, юқори партия органлари қарорлари, тегишли ҳудудий партия кенгашлари тавсияларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этадилар.

Ўта муҳим масалалар бўйича нуқтаи назарларни келишиб олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳларнинг ёки тегишли ҳудудий партия кенгашининг ёйинки унинг ижроия қўмитасининг биргаликдаги қўшма мажлислари ўтказилиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳлари аъзолари тегишли давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органида овоз беришда биргаликда ишлаб чиқилган нуқтаи назарга асосланадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳлари ўз фаолиятлари тўғрисида ҳар йили тегишли ҳудудий партия кенгашлари пленумларига ахборот берадилар. Уларнинг ваколат давридаги фаолиятлари тўғрисидаги ҳисоботлари тегишли ҳудудий партия ташкилотлари конференцияларида эшитилади.

VII. ЎЗБЕКИСТОН ХДПнинг БОШҚА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ

59. Ўзбекистон ХДПнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракат қилувчи бошқа сиёсий партиялар ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан шартномавий муносабатлари

Ўзбекистон ХДПнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракат қилувчи бошқа сиёсий партиялар билан иттифоқ (блоклар) тузиши, улар ҳамда бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар (жамоат бирлашмалари, ҳаракатлар, жамғармалар ва ҳоказо) билан шартномавий му-

Буклаш чизиғи

Қирқиш чизиғи

мувофиқлаштирилади.

9. Сайлов округларидаги партия гуруҳлари ва партия ташкилотларининг бирлашмалари

Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов округларидаги партия гуруҳлари, тегишли сайлов округи бўйича партиядан депутатликка кўрсатилган номзодларнинг сайловолди мавсумини ташкилий ва тарғибий-ташвиқий жиҳатдан таъминлайдиган партия аъзоларини бирлаштириш ва округ сайловчиларида партиянинг ижобий имижини яратиш мақсадида тузилади.

Ушбу мақсадларда:

Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округларда — Ўзбекистон ХДП туман, шаҳар ташкилотлари бирлашмалари;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи округларда — бошланғич партия ташкилотлари бирлашмалари тузилиши мумкин.

Партия раҳбар органининг партия ташкилотлари бирлашмаларини тузиш тўғрисидаги қарорига биноан, сайлов округларидаги тегишли партия гуруҳлари раҳбарларига сайлов мавсумини олиб бориш бўйича партия ташкилотлари бирлашмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳуқуқи берилиши мумкин.

Сайлов округларида партия гуруҳлари ва партия ташкилотлари бирлашмаларини тузиш ҳамда улар фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги Низом Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг қарори билан тасдиқланади.

10. Ўзбекистон ХДП аъзолари бирлашмаларининг бошқа шакллари

Партия аъзолари ва партия сайланма органларининг ташаббуси билан партия клублари, сиёсий марказлар, қизиқишлар ва муаммолар, шу жумладан, касб-кор бўйича ҳам бирлашишнинг хилма-хил шакллари ташкил қилиниши ва фаолият кўрсатиши мумкин. Улар партиянинг дастурий ҳужжатларига асосланиб турли масалаларни муҳокама қиладилар, ўз таклифларини ишлаб чиқадилар ва ҳар қандай даражадаги партия ташкилотлари ҳамда уларнинг сайланма органлари муҳокамасига киритадилар.

III. ЎЗБЕКИСТОН ХДП АЪЗОЛИГИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ, АЪЗОЛИКДАН ЧИҚАРИШ ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ. ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Ўзбекистон ХДПга аъзоликнинг қайд этилиши

Ўзбекистон ХДПга аъзолик ягона намунадаги партия билети билан шаҳодатланади ва якка тартибда қайд этилади. Ягона партия билетининг намунаси Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми томонидан тасдиқланади

12. Ўзбекистон ХДПга аъзолик шартлари

Ўзбекистон ХДПга Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган, партиянинг дастурий мақсадларини эътироф этувчи, унинг Устави талабларини бажарувчи ва партияни моддий маблағ билан қўллаб-қувватлаб турувчи фуқароси аъзо бўлиши мумкин.

Буклаш чизиғи

Қирқиш чизиғи

Ўзбекистон ХДП аъзосининг партия сафларидан ихтиёрий чиқиш тўғрисидаги қарори бошланғич партия ташкилоти томонидан маълумот учун қабул қилинади ва тегишли туман, шаҳар партия кенгашига етказилади.

IV. ЎЗБЕКИСТОН ХДПНИНГ ТАРКИБИЙ БЎҒИНЛАРИНИ ТУЗИШ, ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТАРҚАТИШ ТАРТИБИ

22. Бошланғич партия ташкилотларини тузиш, қайта ташкил этиш ва тарқатиш тартиби

Бошланғич партия ташкилотлари партия аъзоларининг турар жойлари, касб-кор ва жамоатчилик фаолиятлари бўйича, ушбу партия ташкилоти аъзоларининг фикрини ҳисобга олган ҳолда, тегишли туман, шаҳар партия кенгашлари қарори билан тузилади, қайта ташкил этилади (қўшилади, бўлинади) ва тарқатилади.

Бошланғич партия ташкилоти таркибида партия гуруҳларини тузиш, шунингдек, уларни қайтадан ташкил этиш (қўшиш, бўлиш) ва тарқатиш бўйича тегишли йиғилишларни бошланғич партия ташкилотининг раиси ташкил этади. Партия гуруҳи камида уч партия аъзосини бевосита бирлаштириш учун тузилади.

Янги ташкил этилаётган бошланғич партия ташкилоти, партия гуруҳи унинг таъсис йиғилишининг бу тўғридаги қарори қабул қилинганидан кейин тузилган деб ҳисобланади.

23. Ҳудудий партия ташкилотларини тузиш, қайта ташкил этиш ва тарқатиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш

Ҳудудий партия ташкилотлари қоида тарифасида, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми қарорига биноан, Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишига тегишли ўзгаришларга кўра тузилади, қайта ташкил этилади (қўшилади, бўлинади) ва тарқатилади.

24. Ҳудудий партия ташкилотининг ташкил этилиши

Ҳудудий партия ташкилотлари Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми қарори билан тузилади.

Ҳудудий партия ташкилотини тузиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш билан бир вақтда ташкилий қўмита тузилади ва у бир ой давомида таъсис конференциясини чақиради.

25. Ҳудудий партия ташкилотининг юридик шахс мақоми

Қорақалпоғистон Республика, вилоятлар, Тошкент шаҳар партия ташкилотлари, шунингдек, улар таркибига кирувчи туман, шаҳар партия ташкилотлари юридик шахс мақомига эгадирлар.

Янгидан тузилган ҳудудий партия ташкилоти қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг тегишли ҳудудий субъекти адлия органида рўйхатга олингандан кейин юридик шахс мақомини олади.

26. Ҳудудий партия ташкилотлари фаолиятини тўхтатиш тартиби

Ҳудудий партия ташкилоти фаолияти Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўмининг уни қайта ташкил этиш (қўшиш, бўлиш) ёки тарқатиш тўғрисидаги қарори билан, тегишли партия кенгаши ижроия қўмитаси зиммасига тугатиш комиссияси вазифаларини юклаш орқали тўхтатилади.

27. Ўзбекистон ХДП фаолиятини тугатиш тартиби

Ўзбекистон ХДП фаолияти, у ўзини ўзи тарқатиб юбориши натижасида, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қо-

Буклаш чизиғи

Қирқиш чизиғи

иложи бўлмаган тақдирда, унинг ижроия қўмитаси юқорида белгиланган муддат ичида конференция чақиради ёки партия гуруҳларида ягона кун тартиби билан мажлислар ўтказилишини ташкил этади.

Бошланғич партия ташкилотларидаги навбатдаги ҳисобот-сайлов йиғилишлари (конференциялари) беш йилда камида бир марта, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми белгилаган муддатларда ўтказилади.

Бошланғич партия ташкилоти умумий партия йиғилиши (конференцияси)нинг мутлақ ваколатига қуйидагилар киради:

Бошланғич партия ташкилотининг раиси, раис ўринбосари ва заруратга кўра бошланғич партия ташкилоти ижроия қўмитаси аъзоларини сайлаш;

Бошланғич партия ташкилоти раҳбар органининг йиллик ҳисоботларини эшитиш ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш;

Туман, шаҳар партия ташкилоти конференциясига делегатларни сайлаш;

Ўзбекистон ХДП туман, шаҳар кенгаши таркибига белгиланган меъёр бўйича юбориладиган бошланғич партия ташкилотининг вакилини сайлаш ва уни чақириб олиш;

Бошланғич партия ташкилоти таркибида партия гуруҳларини тузиш ва уларга тегишли ваколатларни бериш.

51. Бошланғич партия ташкилотларининг сайланма органлари

Умумий йиғилишлар (конференциялар) оралиғидаги даврда партия ташкилоти фаолиятига бошланғич партия ташкилоти раиси ва унинг ўринбосари раҳбарлик қиладилар.

Партия гуруҳларида бу вазифаларни партия гуруҳи раҳбари ва унинг ўринбосари бажарадилар.

Йирик бошланғич партия ташкилотларида унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш учун, заруратга кўра, бошланғич партия ташкилоти раиси, унинг ўринбосари ва бош

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми Ҳайъати:

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва унинг Сиёсий ижроқўми қарорларини бажариш бўйича партиянинг барча бўғинлари ишини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг ишчи аппаратини тузади ва унга раҳбарлик қилади;

Ўзбекистон ХДП мол-мулки ва маблағларини, унинг корхона ҳамда муассасалари фаолиятини амалий бошқаришни ташкил этади;

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми берган бошқа ваколатларни амалга оширади.

44. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси пленумда унинг аъзолари орасидан сайланади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси:

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг вакили сифатида унинг номидан бошқа юридик шахслар билан партиянинг муносабатларини мувофиқлаштирувчи шартномалар, битимлар, баённомалар ва бошқа ҳужжатларни имзолайди;

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленумлари, Сиёсий ижроқўми ва унинг Ҳайъати мажлисларини олиб боради, улар қабул қилган қарорларни имзолайди;

Ўзбекистон ХДП қурултойи ва Марказий Кенгаши берган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаш раиси йўқлигида унинг вазифасини раис ўринбосарларидан бири бажаради.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, у Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланганида ва унда партия фракцияси тузилган тақдирда, Ўзбекистон ХДП фракциясига раис этиб сайланиши мумкин.

V.3. ХУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАР ВА ИЖРОИЯ ОРГАНЛАРИ

45. Худудий партия ташкилотининг олий органи

Партия конференцияси худудий партия ташкилотининг олий органидир.

Худудий партия ташкилотининг конференцияси тегишли партия кенгашининг қарорига, юқори партия органининг таклифига ёки мазкур партия ташкилоти аъзоларининг камида учдан бир қисмини бирлаштирувчи партия ташкилотларининг талабига биноан чақирилади.

Худудий партия ташкилотларининг навбатдаги конференциялари Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленуми томонидан белгиланган муддатларда беш йилда камида бир марта чақирилади.

46. Худудий партия кенгаши

Худудий партия кенгаши конференциялар оралиғида тегишли худудий партия ташкилотининг раҳбар органи бўлиб, унинг манфаатларини ифодалайди ва унинг номидан иш юритади.

Худудий партия кенгаши қуйи партия ташкилотларининг белгиланган тенг миқдор бўйича сайланган вакилларидан ҳамда тегишли кенгаш аъзолари умумий сонининг бешдан бир қисмидан ошмаган миқдорда конференция сайлайдиган аъзолардан иборат бўлади.

Буклаш чизиғи

V.2. ЎЗБЕКИСТОН ХДПнинг ОЛИЙ ҲАМДА МАРКАЗИЙ РАҲБАР ВА ИЖРОИЯ ОРГАНЛАРИ

37. Ўзбекистон ХДПнинг қурултойи

Ўзбекистон ХДПнинг олий раҳбар органи қурултойдир.

Навбатдаги қурултойлар Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан 5 йил ичида камида бир марта, қоида тариқасида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ҳамда Қонунчилик палатасига ўтказиладиган сайловларда Президентликка ва депутатликка номзодлар кўрсатиш даврида чақирилади. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг навбатдаги қурултойни чақириш, унга таклиф этилаётган кун тартиби ва вакиллик меъёри тўғрисидаги қарори қурултойга кечи билан бир ой қолганда эълон қилинади.

Партиянинг навбатдан ташқари қурултойи Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг ташаббуси билан ёки партия аъзолари умумий сонининг камида учдан бир қисмини бирлаштирган партия ташкилотларининг талабига мувофиқ чақирилади. Бу ҳолда у Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан бир ой муддат ичида чақирилади ва унда барча партия аъзоларининг камида ярминнинг вакиллиги таъминланган тақдирда, қонуний ҳуқуққа эга бўлади.

38. Ўзбекистон ХДП қурултойининг ваколатлари

Ўзбекистон ХДП қурултойи:

делегатларнинг ваколатларини текшириди, ўзининг иш тартибини белгилайди, зарур раҳбар ва ишчи органларини сайлайди;

Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан Ўзбекистон ХДП нуқтаи назарини ишлаб чиқади, партия Дастурини, бошқа умумпартиявий сиёсий ҳужжатларни қабул қилади, қайта кўриб чиқади ва уларга ўзгартиришлар киритади;

Ўзбекистон ХДП уставини қабул қилади, зарур ҳолларда қайта кўриб чиқади ва унга ўзгартиришлар киритади;

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Марказий Тафтиш Комиссияси аъзоларининг мазкур уставда кўзда тутилган қисмини сайлайди;

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Марказий Тафтиш Комиссияси ҳисобот ва маърузаларини, Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДПнинг фракцияси фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тинглайди, улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

Ўзбекистон ХДП Марказий Тафтиш Комиссияси тўғрисидаги Низомни тасдиқлайди;

Ўзбекистон ХДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатади;

Ўзбекистон ХДПдан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатади;

Ўзбекистон ХДП фаолиятига доир бошқа масалаларни кўриб чиқади.

Қурултой қарорларини бажариш Ўзбекистон ХДПнинг барча органлари, ташкилотлари ва аъзолари учун мажбурийдир.

39. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши қурултойлар оралиғидаги даврда партиянинг марказий раҳбар органи ҳисобланади, Ўзбекистон ХДП

Қирқиш чизиғи

I. ПАРТИЯНИНГ НОМИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

1. Партиянинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли

Ўзбекистон Халқ демократик партияси (қисқача номи — Ўзбекистон ХДП) турли иҳтиёрий табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодаловчи ва ўзининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларини кўнгилли тарзда бирлаштирувчи сиёсий партиядир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатлари ва ушбу Устав Ўзбекистон ХДП фаолиятининг қонуний асосларидир.

2. Ўзбекистон ХДПнинг бош мақсади

Ўзбекистон ХДПнинг бош мақсади — ҳар бир оила ва меҳнат кишисининг, миллати, дини, сиёсий эътиқоди, ижтимоий аҳволи ва келиб чиқишидан қатъий назар тинч ҳаёт кечиришини, шаъни ва қадр-қимматини, конституциявий ҳуқуқлари ва инсоний эркинликлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатдир.

Партия ўзининг асосий ижтимоий таянчи — ишчилар, қишлоқ меҳнаткашлари, муҳандис-техник ходимлар, олимлар ва маданият арбоблари, ўқитувчи ва шифокорлар, хизматчилар, ўқувчи ёшлар ва нафақахўрларнинг манфаатларидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда кучли ҳуқуқий демократик давлат, инсонпарвар, адолатли жамият қуришнинг изчил тарафдори сифатида ҳаракат қилади.

Партия, Ўзбекистондаги сиёсий кучларнинг сўл қаноти сифатида, мамлакатда сиёсий ва иқтисодий эркинликлар, демократия ва қонунийлик, тенглик ва ижтимоий адолат каби умуминсоний тамойиллардан келиб чиқиб, жамиятдаги ҳар бир кишининг тинч ва осойишта ҳаёти, фаровонлиги ва бутун мамлакатнинг гуллаб-яшнашини таъминлайдиган сиёсий ва давлат тузилишига интилади.

3. Ўзбекистон ХДП фаолиятининг асосий вазифалари

Ўзбекистон ХДП фаолиятининг асосий вазифалари қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (бундан буён — Қонунчилик палатаси) ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларда, уларда ўз вакиллигини таъминлаш мақсадида иштирок этиш;

сайловларда тегишли натижаларга эришганда, партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракциясини ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларида депутатлик гуруҳларини тузиш, уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда қонунлар ва бошқа давлат қарорларини тайёрлашда иштирок этиш ҳуқуқларини амалга оширишдан фойдаланиш;

партиядан Қонунчилик палатаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайланган депутатларга ўз депутатлик ваколатларини тегишли сайлов округларида ижро этишларига бевосита кўмаклашиш;

мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий вазият ус-

Буклаш чизиғи

ижроия қўмитасининг мутлақ ваколатига киради.

65. Ўзбекистон ХДПнинг пул маблағлари

Ўзбекистон ХДПнинг пул маблағлари партияга аъзолик бадалларидан, Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари хайрияларидан, шунингдек, давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, ноширлик, ишлаб чиқариш, хўжалик, тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромадлардан ва бошқа тушумлардан таркиб топади.

Зарур ҳолларда, маблағларнинг бир қисми Марказий Кенгаш белгилаган миқдорда Ўзбекистон ХДПнинг захира жамғармасига йўналтирилади.

66. Партияга аъзолик бадаллари

Қайд этиладиган даромадларга эга бўлган Ўзбекистон ХДП аъзолари ҳар ойда аъзолик бадалларини, ўз даромадларининг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорида тўлайдилар.

Қайд этиладиган даромадларга эга бўлмаган Ўзбекистон ХДП аъзолари аъзолик бадалларини, белгиланган энг кам иш ҳақининг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорида тўлайдилар. Партияга аъзолик бадалларидан тушадиган маблағлар Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан тасдиқланадиган Низомга мувофиқ, тегишли туман, шаҳар партия кенгаши ҳисоб рақамига туширилади.

Бошланғич партия ташкилотлари туман, шаҳар партия кенгаши ижроия қўмитаси билан келишган ҳолда, ўз қарорлари билан моддий аҳволи туфайли партияга аъзолик бадалларини мунтазам тўлай олмайдиган кишиларни ундан муайян муддатга озод қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ҳар ойда тўпланган партияга аъзолик бадалларининг 10 фоиз миқдоридаги қисми туман, шаҳар партия кенгашлари томонидан тегишли юқори худудий партия кенгашлари ҳисоб рақамларига ва 5 фоиз миқдори Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳисоб рақамига ўтказилади.

Аъзолик бадалларидан тушган маблағларнинг туман, шаҳар партия кенгашлари ҳисоб рақамларида қолган қисми улар томонидан ўз партия ташкилотлари бюджетларининг даромад қисмини тўлдиришга ишлатилади.

67. Ўзбекистон ХДП бюджети

Ўзбекистон ХДП бюджети маҳаллий партия ташкилотлари ҳамда партия корхоналари ва муассасалари даромадларидан бюджетга ажратиладиган маблағларнинг миқдори, унинг ижроси тўғрисидаги ҳисобот ҳар йили Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленуми томонидан тасдиқланади. Ўзбекистон ХДП бюджети ҳар йили барчанинг эътибори учун эълон қилинади.

Ҳудудий партия ташкилотларининг бюджетлари ва уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли ҳудудий партия кенгашлари пленумлари тасдиқлайди ҳамда уларни қуйи партия ташкилотлари ва партия аъзоларига маълум қилади.

68. Ўзбекистон ХДПнинг мулк объектларини бошқариш

Партия Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари, уларнинг балансидаги мол-мулкни ва пул маблағларини тезкорлик билан бошқариш учун, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми, партия кенгашлари ижроия қўмиталари томонидан тасдиқланадиган низомлар асосида иш юритадиган

Қирқиш чизиғи

48. Худудий партия кенгаши ижроия қўмитаси

Худудий партия кенгаши ижроия қўмитаси худудий партия ташкилотининг мувофиқлаштирувчи органидир. Худудий партия кенгаши пленумлари оралиғидаги даврда ижроия қўмита, унга берилган ваколатлар доирасида, худудий партия ташкилотининг манфаатларини ифода этади, унинг номидан иш юритади.

Худудий партия кенгаши ижроия қўмитаси пленумда сайланадиган кенгаш раиси, унинг ўринбосари ва ижроия қўмитанинг бошқа аъзоларидан иборатдир.

Худудий партия кенгаши ижроия қўмитаси мажлислари заруратга қараб ўтказилади ва уларда ижроқўм аъзоларининг ярмидан кўпи қатнашса, у қонуний ҳуқуққа эга, деб ҳисобланади.

Худудий партия кенгаши ижроия қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча қуйи ташкилотлар учун мажбурийдир.

Худудий партия кенгаши ижроия қўмитаси:

Худудий партия ташкилоти конференцияси ва худудий партия кенгашлари пленумлари, юқори партия ташкилоти қарорларининг бажарилишини ташкил этади, шу мақсадда қуйи ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

Тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳи фаолиятини мувофиқлаштиради;

Кенгашнинг ишчи аппаратига бевосита раҳбарлик қилади;

Худудий партия ташкилоти конференцияси берган бошқа ваколатларни амалга оширади.

49. Худудий партия кенгаши раиси

Худудий партия кенгаши раиси кенгаш пленумида унинг аъзолари орасидан сайланади.

Худудий партия кенгаши раиси:

Худудий партия кенгаши вакили бўлиб, унинг номидан худудий партия кенгашининг бошқа юридик шахслар билан муносабатларини мувофиқлаштирувчи шартномалар, битимлар, баённомалар ва бошқа ҳужжатларни имзолайди;

Худудий партия кенгаши пленумлари, унинг ижроия қўмитаси мажлисларини олиб боради, улар қабул қилган қарорларни имзолайди;

Унга худудий партия ташкилоти конференцияси ва худудий партия кенгаши берган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Худудий партия кенгаши раиси давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органи депутати этиб сайланганда ва унда Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳи тузилган тақдирда, у ушбу депутатлик гуруҳига раис этиб сайланиши мумкин.

V.4. БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАР ВА ИЖРОИЯ ОРГАНЛАРИ

50. Умумий партия йиғилиши

Умумий партия йиғилиши бошланғич партия ташкилоти, партия гуруҳининг раҳбар органидир. У заруратга қараб, аммо бир йилда камида бир марта ўтказилади.

Бошланғич партия ташкилотининг умумий йиғилишини ўтказишнинг

Буклаш чизиғи

нунида қайд этилган асослар билан ёки Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қарорига мувофиқ тугатилиши мумкин.

Ўзини ўзи тарқатиб юбориш тўғрисидаги қарорни партия қурултойи, унинг барча ташкилотлари фикрини ҳисобга олиб қабул қилади ва қурултой делегатларининг камида учдан икки қисми уни ёқлаб овоз берган тақдирда, ҳақиқий деб ҳисобланади.

Ўзбекистон ХДП фаолияти тўхатилган тақдирда, юридик шахсни тугатиш юзасидан қонунда кўзда тутилган ишлар тугатиш комиссияси томонидан амалга оширилади. Бошқа юридик шахслар билан ўзаро ҳисоб-китоблар қилингандан сўнг партия мулки Уставда кўзда тутилган ёки тугатиш комиссияси белгилаган мақсадларга йўналтирилади.

28. Ўзбекистон ХДПнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларида партия депутатлик гуруҳларини тузиш ва улар фаолиятини тўхатиш тартиби

Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳларини тузиш ва фаолиятини тўхатиш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

29. Сайлов округларидаги партия гуруҳлари ва партия ташкилотларининг бирлашмаларини тузиш ва тугатиш тартиби

Сайлов округларидаги партия гуруҳлари ва партия ташкилотларининг бирлашмалари заруратга қараб:

Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округларда — Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми қарори билан;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи округларда — Ўзбекистон ХДПнинг тегишли ҳудудий кенгашлари ижроия қўмиталари қарори билан тузилади ва тугатилади.

V. ЎЗБЕКИСТОН ХДПНИНГ РАҲБАР, ИЖРОИЯ ВА НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ V.1. ЎЗБЕКИСТОН ХДПНИНГ РАҲБАР, ИЖРОИЯ ВА НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИНИ ТУЗИШ ҲАМДА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

30. Ўзбекистон ХДП раҳбар, ижроия ва назорат органларининг сайлаб қўйилиши

Ўзбекистон ХДПнинг барча раҳбар, ижроия ва назорат органлари сайлаб қўйиладилар.

Партия аъзолари партия органларини сайлаш чоғида, номзодларни чекланмаган миқдорда, шу жумладан, ўз номзодини ҳам кўрсатиш ва далиллар асосида рад қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, ҳудудий партия ташкилоти органи аъзоси бир вақтнинг ўзида тегишли партия ташкилоти тафтиш комиссияси аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Партия органларининг таркиби уларнинг ваколатлари муддати тугашидан аввал янгиланиши ёки тўла-тўкис қайтадан сайланиши мумкин.

31. Ўзбекистон ХДП раҳбар ва ижроия органларининг мустақиллиги

Ўзбекистон ХДП раҳбар ва ижроия органлари, юқори партия ташки-

Қирқиш чизиғи

Давлат ҳокимиятининг қонунчилик-вакиллик органларида партиядан сайланган депутатлардан иборат тузиладиган депутатлик бирлашмалари ушбу органларда партия манфаатларини ифодалашнинг ташкилий шаклидир.

Партиянинг сайловларда иштироки билан боғлиқ устав фаолиятини амалга ошириш учун сайлов округларида партия гуруҳлари ва партия ташкилотларининг бирлашмалари тузилиши мумкин.

Дастурий вазифаларни ҳал этиш мақсадида партия аъзоларининг бошқа шакллари бирлашмаларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

7. Ўзбекистон ХДП ташкилотлари

Ўзбекистон ХДП ҳудудий ва бошланғич партия ташкилотларидан иборат.

Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда уларга қарашли туман, шаҳар партия ташкилотлари ҳудудий партия ташкилотлари мақомига эгадирлар.

Ҳудудий партия ташкилотлари:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри доирасида туман ва шаҳарларда тузиладиган партия ташкилотларини бирлаштириш учун;

республика ва вилоятга бўйсунадиган туман ва шаҳарлар доирасида, шунингдек, лозим топилган ҳолларда, улар таркибига кирадиган ҳудудлар ва аҳоли яшаш пунктларида бошланғич партия ташкилотларини бирлаштириш учун тузилади.

Бошланғич партия ташкилотлари, камида уч нафар партия аъзосини бевосита бирлаштириш мақсадида, уларнинг истиқомат жойи, касб-кори ва жамоатчилик фаолияти бўйича, шундай бирлашув учун қонуний чекловлар бўлмаган ҳолларда тузилади. Зарур ҳолларда бошланғич партия ташкилотлари таркибида партия гуруҳлари тузилиши мумкин.

Партия ташкилотларини ҳамда улар таркибидаги партия гуруҳларини тузиш, қайта ташкил этиш (бўлиш, қўшиш ва бошқалар) ва тарқатиш тартиби мазкур Устав билан белгиланади.

8. Партиянинг депутатлик бирлашмалари

Партия манфаатларини давлат ҳокимияти қонунчилик-вакиллик органларида уюшқоқлик билан ифодалаш мақсадида қонунда белгиланган тартибда:

Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фракцияси — Қонунчилик палатасига партиядан сайланган депутатлардан;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг депутатлик гуруҳлари — давлат ҳокимияти тегишли вакиллик органларига партиядан сайланган депутатлардан тузилади.

Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг фаолияти партия марказий раҳбар органлари томонидан мувофиқлаштирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳлари фаолияти партиянинг тегишли раҳбар органлари томонидан

Буклаш чизиғи

носабатлар ўрнатиши мумкин. Ўзбекистон ХДП номидан тегишли шартнома ва битимлар Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг раиси томонидан имзоланади.

Ўзбекистон ХДПнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракат қилувчи бошқа сиёсий партиялар билан сайловолди иттифоқ(блок) тузиши мумкинлиги тўғрисидаги масала бўйича қарор партия қурултойи ёки Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленумида қабул қилинади.

Ўзбекистон ХДПнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракат қилувчи бошқа сиёсий партиялар билан тузиладиган бошқа шартнома ва битимлари Сиёсий ижроқўм томонидан тасдиқланиб, кейинчалик бу тўғрида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленуми хабардор қилиниши лозим.

Ўзбекистон ХДПнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракат қилувчи жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар билан шартнома ва битимлар Сиёсий ижроқўм Ҳайъати томонидан тасдиқланади ҳамда кейинчалик Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми бу ҳақда хабардор қилинади.

60. Ўзбекистон ХДП ҳудудий ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракат қилувчи бошқа сиёсий партиялар ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳудудий ташкилотлари билан шартномавий муносабатлари

Ўзбекистон ХДП ҳудудий ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракат қилувчи сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, ҳаракатлар, жамғармалар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тегишли ҳудудий ташкилотлари билан шартномавий муносабатларга киришлари мумкин.

Шартнома ва битимлар Ўзбекистон ХДП ҳудудий ташкилоти номидан тегишли ҳудудий партия кенгаши раиси томонидан имзоланади.

Ўзбекистон ХДП ҳудудий ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракат қилувчи бошқа сиёсий партияларининг ҳудудий ташкилотлари билан тузилган шартнома ва битимлари Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми Ҳайъати билан келишилиши ва ҳудудий партия кенгаши ижроия қўмитасида тасдиқланиб, кейинчалик бу ҳақда тегишли ҳудудий партия кенгаши пленуми хабардор этилиши лозим.

Ўзбекистон ХДП ҳудудий ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракат қилувчи жамоат бирлашмалари, ҳаракатлар, жамғармалар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳудудий ташкилотлари билан тузган шартнома ва битимлари ҳудудий партия кенгаши ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланади ва кейинчалик бу ҳақда кенгаш пленуми ва юқори партия органлари, шу жумладан, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми Ҳайъати хабардор этилади.

61. Ўзбекистон ХДП депутатлар бирлашмаларининг бошқа сиёсий партияларнинг депутатлик бирлашмалари билан муносабатлари

Ўзбекистон ХДПнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари Ўзбекистон Рес-

Қирқиш чизиғи

публика, вилоятлар, Тошкент шаҳар партия ташкилотларининг белгиланган тенг меъёр бўйича юборилган вакилларидан ҳамда унинг аъзолари умумий сонининг бешдан бир қисмидан ошмаган миқдорда партия қурултойида қўшимча равишда сайланган аъзоларидан иборатдир.

Ўзбекистон ХДП Марказий Тафтиш Комиссияси аъзоси бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашига аъзоси бўлиши ёки унинг аппаратида ишлаши мумкин эмас.

Ўзбекистон ХДП Марказий Тафтиш Комиссиясига сайланиш меъёри Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленуми томонидан, қоида тариқасида партия қурултойини чақириш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш билан бир вақтда белгиланади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Тафтиш Комиссияси ўз фаолиятида партия Уставига ва қурултойда тасдиқланган Ўзбекистон ХДП Марказий Тафтиш Комиссияси тўғрисидаги Низомга амал қилади.

53. Худудий партия ташкилотларининг тафтиш комиссиялари

Худудий партия ташкилотларининг тафтиш комиссиялари худудий партия кенгашлари, қуйи партия ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолиятини ва партия бюджетининг тўғри шакллантирилиши ҳамда сарфланишини назорат қиладилар.

Тафтиш комиссиялари аъзолари худудий партия ташкилотларининг конференцияларида сайланадилар. Тафтиш комиссиясининг аъзоси бир вақтнинг ўзида ҳудудий партия кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Худудий партия ташкилотларининг тафтиш комиссиялари ўз фаолиятларида партия Уставига ва Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми тасдиқлаган ҳудудий партия ташкилотларининг тафтиш комиссиялари тўғрисидаги Низомга амал қиладилар.

VI. ЎЗБЕКИСТОН ХДПнинг САЙЛОВЛАРДА ИШТИРОКИ. ПАРТИЯ ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.

54. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ўзбекистон ХДП иштироки

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ўзбекистон ХДПнинг иштирок этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партиянинг иштироки тўғрисидаги қарор, сайлов мавсуми бошланиши эълон қилинганидан кейин бир ҳафта муддат ичида Сиёсий ижроқўм томонидан чақирилган Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленумида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партиядан номзод Ўзбекистон ХДП қурултойида кўрсатилади. Бу ҳақдаги қарор қурултой делегатларининг кўпчилиги ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинади ва тегишли баённома билан расмийлаштирилиб, Марказий сайлов комиссиясига топширилади.

55. Қонунчилик палатасига сайловда Ўзбекистон ХДП иштироки

Қонунчилик палатасига сайловда Ўзбекистон ХДПнинг иштирок этиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Ўзбекистон

Буклаш чизиғи

ган ҳолларда, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишлари шарт.

17. Ўзбекистон ХДПга аъзоликни вақтинча тўхтатиш ва қайта тиклаш

Ўзбекистон ХДП аъзоси бошланғич партия ташкилоти билан келишган ҳолда ўзининг партияга аъзолигини вақтинча тўхтатиб туриши мумкин. Бу ҳақда у бошланғич партия ташкилотини ёзма равишда, ўзи қабул қилган қарори сабабларини кўрсатган ҳолда, хабардор қилади.

Ўзбекистон ХДПга аъзоликни вақтинча тўхтатиб туриш ва қайта тиклаш тўғрисидаги партия аъзосининг қарори бошланғич партия ташкилоти томонидан маълумот учун қабул қилинади ва тегишли партия кенгашига етказилади.

18. Ўзбекистон ХДПга аъзоликни тўхтатиш

Ўзбекистон ХДПга аъзолик бошланғич партия ташкилоти қарорига кўра:

партия аъзоси Ўзбекистон ХДП Устави талабларига зид хатти-ҳаракатлари ва ҳулқ-атвори учун унинг сафларидан ўчирилганда;

партия аъзосининг Ўзбекистон ХДП билан алоқаси узилгани қайд қилинганда;

партия аъзосининг ихтиёрий равишда Ўзбекистон ХДП сафидан чиқ-қанида тўхатилади.

19. Ўзбекистон ХДП аъзосини Ўзбекистон ХДП сафларидан чиқариш тартиби

Бошланғич партия ташкилоти, юқори партия органлари партия аъзосининг Ўзбекистон ХДП Устави талабларига зид хатти-ҳаракатлари учун уни партия сафларидан ўчиришлари мумкин.

Бу ҳақдаги қарор партия ташкилоти йиғилиши ёки юқори партия органи томонидан қабул қилинади ва тегишли ташкилот ҳисобида турувчи партия аъзоларининг ёки мазкур сайланма орган аъзоларининг ярмидан кўпроғи уни ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинади.

Ўзбекистон ХДПдан чиқарилган киши бир йил мобайнида юқори партия органларига шикоят аризасини бериш ҳуқуқига эга. Шикоят аризаси тушган кундан бошлаб бир ой муддат ичида кўриб чиқилади.

20. Ўзбекистон ХДПга аъзоликни тўхтатиш тартиби

Узрли сабабларсиз уч ойдан ортиқ вақт давомида аъзолик бадалларини тўламаган ёки устав мажбуриятларини бажармаган Ўзбекистон ХДП аъзоси тўғрисидаги масала бошланғич партия ташкилотида кўриб чиқилиши лозим.

Агар партия аъзосининг Ўзекистон ХДП билан алоқани узғанлиги аниқланса, у ҳолда, унинг партияга аъзолигини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Партия билан алоқаси узилганлиги сабабли Ўзбекистон ХДПга аъзолигини тўхтатиш тўғрисидаги қарори устидан шикоят-ариза партия сафларидан чиқариш тўғрисидаги қарорлар бўйича шикоят-аризаларни кўриб чиқиш тартибида ҳал этилади.

21. Ўзбекистон ХДП сафларидан ихтиёрий чиқиш тартиби

Ўзбекистон ХДП сафларидан ихтиёрий чиқишга қарор қилган партия аъзоси бу ҳақда тегишли бошланғич партия ташкилотини ёзма равишда хабардор қилади.

Қирқиш чизиғи

Ўзбекистон ХДПга аъзолик фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чекламайди. Унинг аъзоси бир пайтнинг ўзида бошқа сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

13. Ўзбекистон ХДП аъзолигига қабул қилиш тартиби

Ўзбекистон ХДП аъзолигига қабул якка тартибда, унга кирувчининг аризасига мувофиқ бошланғич партия ташкилотида амалга оширилади.

Илгари бошқа сиёсий партиялар аъзоси бўлиб, улар таркибидан чиққан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон ХДП аъзолигига умумий тартибда қабул қилинадилар.

14. Ўзбекистон ХДП аъзоларининг ҳуқуқлари

Ўзбекистон ХДПнинг барча аъзолари тенг ҳуқуқлидирлар. Улар қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

ўз нуқтаи назарларини эркин баён этиш, партия сиёсати ва унинг ички турмуши масалаларини кўтариб чиқиш, муҳокама қилиш, улар юзасидан қарорларнинг ишлаб чиқилишида қатнашиш;

партия органларига сайлаш ва сайланиш, уларнинг иши ҳақида ахборот олиш;

барча даражалардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайланиш учун партиядан номзод этиб кўрсатилиш;

ҳар қандай партия органи ҳамда партиянинг исталган аъзоси фаолиятига баҳо бериш ва уларни танқид қилиш;

ҳар қандай партия органига ариза ва таклифлар билан мурожаат этиш ва ундан жавоб олиш;

фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқ олиб бориладиган ҳамда партиянинг дастурий мақсадлари ва Устави қоидаларига зид бўлмаган оммавий жамоат ташкилотлари ҳамда ҳаракатларнинг ишида қатнашиш.

15. Ўзбекистон ХДП аъзоларининг мажбуриятлари

Партия аъзоси:

партия Устави талабларини бажаришга;

партия ташкилотлари ҳамда партия сайланма органларининг қарорларини ижро этишга;

партиянинг дастурий мақсадларини тарғиб қилиш ва рўёбга чиқаришда қатнашиш, унинг жамиятдаги обрў-эътиборини мустаҳкамлаш ва

Инсон ва табиат

БУХОРО ЖАЙРОНЛАРИ

Олимларнинг айтишича, ҳайвонот оламининг энг ноёб, гўзал «вакиллари»дан ҳисобланган жайронларни қўриқлайдиган, илмий жиҳатдан ўрганиб асраб-авайлайдиган еттита маскан бор. Улардан бири — Бухоро вилоятидаги «Жайрон» илмий-ишлаб чиқариш экологик марказида жониворлар давлат муҳофазасига олиниб кўпайтирилмоқда, аммо ечимини кутиб ётган муаммолар ҳам йўқ эмас

Қадим-қадим замонлардан буён жайронлар яхшилик, гўзаллик тимсоли ҳисобланади. Жайроннинг кўзлари тиниқлиги, софлиги, масъумлиги билан эътиборни тортиб келган. Улар қачон пайдо бўлган, асл Ватани қаердалиги ҳақида турли башоратлар, илмий ёндошувлар мавжуд.

— Манбаларда ёзилишича, жайрон — қора қуйруқ кийикларининг бир тури, қувушшохлилар оиласининг ғизоллар уруғига киради, — дейди Бухоро вилоят табиатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Анвар Ниёзов. — Унинг узунлиги 110-115, бўйи 65-70 сантиметр, вазни 25-30 килограммгача етади. Эркакларининг шохи қора, йўғон бўғимли бўлиб, узунлиги 40 сантиметргача боради. Урғочисида эса шох бўлмайди. Жайрон асосан саҳро, ярим саҳроларда яшайди. Унинг оёқлари ингичка, туёқлари қаттиқ ва мустаҳкам, соатига 60 километргача тезлик билан югура олади.

Хўш, унинг асл ватани қаер, у ер юзининг қайси ҳудудларида кенг тарқалган? Мутахассисларнинг фикрича, жайронлар Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Афғонистон, умуман, Ўрта Шаркда кўп тарқалган. Мамлакатимизнинг Устюрт ясси текислиги, Қизилқум ва унга ёндош ҳудудлар, Қарши чўли жайронларнинг севимли макони. Уларнинг яшаш тарзи ҳам ўзига хос. Шуни таъкидлаш керакки, жайронлар гўшти, териси, шохи учун овланади. Натижада кейинги пайтларда бу жониворларнинг сони кескин камайиб кетди. Ҳозирги пайтда жайронлар Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоби»га киритилган.

Ўтган асрнинг 70 — 80-йилларида Бухорода жайронларни муҳофаза қилишга киришилиб, Когон шаҳридан анча жанубда Моможурғоти адирлари этагида махсус қўриқхона ташкил этилди. Қўриқхона тасарруфига 5145 гектар майдон ажратилди, унинг атрофи — симтўрлар билан ўралди. Мансабдор ва сармоядорларнинг уйларида сақланаётган жайронлар рўйхатга олиниб, бу ерга келтирилган эди. Ўшанда жайронларнинг сони 42 бош бўлган.

Қўриқхонани ташкил этишдан асосий мақсад — Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган ҳайвон ва қушларнинг нодир турларини сақлаб қолиш, кўпайтириш, ўрганиш, насл олиш, муҳофаза қилишдир. 1987 йилга келиб, жайронлар сони 1200 бошга етди. Режа асосида қўшни ва бошқа ҳудудларга 600 бошдан зиёд жайрон табиат қўйнига эркин қўйиб юборилган. Бухоро туман ўрмон хўжалиги тасарруфидаги бу қўриқхона муаммолари кўпая бошлагани инобатга олиниб, у 1990 йилда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ихтиёрига берилди. Шу йилдан бошлаб қўриқхона мақоми ўзгарди, энди у «Жайрон» илмий-ишлаб чиқариш маркази деб юритила бошланди.

— Ушбу марказ, — дейди илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, тадқиқотчи олима Наталья Солдатова, — ҳаётим мазмунига айланган. Эсимда, олийгоҳни тугатиб, тўғри шу ерга ишга келганман. Бу ердаги жайрон, йўрға тувалоқ, қулон, қоплон, Бухоро буғуси — Хонгул, Пржевальский оти... ҳамма-ҳаммаси менга азиз бўлиб қолган. Йиллар давомидаги илмий изланиш, кузатишларим орқали бу ноёб ҳайвонларнинг ҳаёт тарзи, кўпайиши ҳақида кўплаб мақолалар, китоблар юзага келди. Жаҳон олимлари ҳам бизнинг ҳайвонот оламимизга катта қизиқиш билан қарайди.

— Дастлабки йилларда бу борада анча ишлар қилинди, — дейди марказ директори Ғуломжон Жумаев. — Аммо йил-йилга ўхшамайди. Хусусан, 2002 йилда қиш қаттиқ келиб, анча чўзилди. Натижада емиш етишмагани сабабли жайронлардан анчаси нобуд бўлди. Маълумки, жайронлар кўкламда ғалласимон ва эфемер ўсимликлар, кузда шўра, шувоқлар, қишда эса бута новдаси ҳамда меваси билан озиқланади. Биз қанча уринмайлик, беда ва бошқа дағал хашакларга уларнинг хуши йўқ. Оқибатда Жайронлар сони 480 тага тушиб қолди. 2003 йилда жайронлар подаси 625 тага, бултур эса 899 бошга кўпайди. Бугунги кунда уларнинг сони 1000 бошдан ошади. Ҳар йили жайрон болаларидан 25 бошини қўлга ўргатиб парваришлаймиз. Бултур «Тошкент ҳайвонот боғи»га 25 та жайрон, 4 та Пржевальский отини топширдик.

Энди жонивор ва уларни табиат қўйнига қайтаришга келсак, бу борада ҳам анча ишлар қилиняпти. 1997 йили экомарказ атрофидаги эксперимент тажриба участкасига (18300 гектар) 48 бош жайрон қўйиб юборилганди. Ҳозир уларнинг сони аниқ эмас. Чунки, минг афсуски, бу майдонлар фермерларга бўлиб берилди. Улар бу ерлардан яйлов сифатида фойдаланиб келишаётгани боис жайронлар ҳаловатини йўқотиб, турли касалликларга чалинишмоқда.

Яқинда мавжуд муаммоларни ҳал этиш мақсадида экомарказни ривожлантиришнинг 2005-2006 йилларга мўлжалланган иш режаси ишлаб чиқилди. Бу дастур лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Зоология институти, «Давлат бионазорат» бошқармаси мутахассислари, таниқли олимлар маъқулладилар. Шунингдек, вилоят ҳокимининг «Жайрон» илмий-ишлаб чиқариш экологик марказида юзага келган муаммоларни бартараф этиш ҳамда «Қизил китоб»га киритилган ноёб ҳайвонларни кўпайтириш, уларни асраб-авайлаб, келажак авлодга етказиш тўғрисида» қарори қабул қилинди.

Очиғини айтадиган бўлсак, марказ иш фаолиятини бошлагандан буён маблағга ёлчиган эмас. Кузатув, лаборатория бўлимларида махсус асбоб-анжомлар етишмайди. Боз устига транспортлар ҳам яроқсиз ҳолга келиб қолган.

Марказда жайронларни ўз фуқароларимиз ҳамда чет эл фуқароларига сотиш ва овлашга рухсат этилган. Шу ҳисобдан марказнинг махсус ҳисоб рақамига тушадиган маблағнинг 50 фоизидан фойдаланилади, 50 фоизи эса давлат ҳисобида қолади. Қўлда боқиладиган жайронларни парваришлаш учун ем керак. Унинг нархи эса анча юқори. Шунингдек, жаҳон андазаларига жавоб берадиган меҳмонхона, илмий изланишлар олиб бориладиган бино йўқлиги ҳам муаммодир. Қолаверса, марказда сув, газ таъминоти муаммолигича турибди.

Бундан ташқари 42 километрли сим тўр эскириб кетган, уни янгилаш, сув иншоотлари — водопровод, электр тармоғи, маъмурий ва маиший лаборатория бинолари қайта таъмирга муҳтож. Шу қаторда Пржевальский отлари, Бухоро буғуси, сайғоқ, қоплон учун вольерлар қуриш, марказни табиий газ билан таъминлаш керак. Энг муҳими, соҳани янада ривожлантириш учун валюта олиб келувчи экотуризмни йўлга қўйиш сув ва ҳаводек зарур. Бунинг учун экомарказ ва унинг очиқ майдондаги экспериментал ҳудудида чет эллик сайёҳлар учун етарли шарт-шароит, ноёб жониворларга эса энг қулай биосферани вужудга келтириш даркор. Бугунги сайёҳ панжара ортидаги жониворни эмас, пода-пода бўлиб табиат қўйнида эркин юрган оҳуларни кўришни хоҳлайди. Улар экомарказ ҳудудини транспортда эмас, балки туяга миниб айланишни хуш кўради.

Марказ мутахассисларининг таъкидлашича, жорий йилнинг ўрталарида дунё олимлари бу хушҳаво масканга ташриф буюришади. 260 нафардан зиёд чет эллик эколог, биолог, олимлар марказнинг бугунги аҳволи, ноёб жонзотлар устида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари, халқимиз маданияти, урф-одатлари билан ҳам яқиндан танишадилар.

Яна бир гап. Марказда айни пайтда амалга оширилган ишларда ҳомийларнинг ҳиссаси катта. Зотан, жониворлар, жумладан, ноёб жайронларни авайлаб сақлашдек хайрли ишга тадбиркору фермерлар, кенг жамоатчилик бош қўшса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Намойишчи талабалар

Мисрда минглаб талабалар ҳукуматга қарши уюштирилган намойишларда қатнашди.

Уларнинг асосий қисми «Мусулмон биродарлар» ҳаракатига мансубдир. Намойишлар мамлакатнинг бешта шаҳрида бўлиб ўтди.

Исломчилар, миллатпарвар ва либераллар мамлакатда 24 йил олдин, яъни президент Садат ўлдирилганидан кейин жорий этилган фавқулодда ҳолатни бекор қилишни, шунингдек, президент Ҳусни Муборак истеъфога чиқишини талаб қилишмоқда. Ҳусни Муборак 1981 йилдан бери мамлакатни бошқариб келади.

Қирувчи самолётлар

Покистон Президенти Парвез Мушарраф Покистон — Хитой ҳамкорлигида JF-17 Thunder (FC-1 «Chao Qi») русумли қирувчи самолётларни ишлаб чиқара бошлашини маълум қилди.

Янги самолётлар Покистон ҳарбий ҳаво кучлари учун ишлаб чиқарилади.

Парвез Мушарраф икки мамлакатнинг авиация мутахассислари олдида сўзлаб, JF-17 қирувчи самолётларининг ишлаб чиқарилиши мамлакатни замонавий ҳарбий техника билан таъминлаш йўлида катта қадам бўлганини айтди.

Жавобгарликка тортилмоқда

Гаагадаги Халқаро жиноят судига Суданнинг Дарфур музофотида содир этилган жиноятларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилди. Яқин вақт ичида судга шу жиноятларни содир этган 51 шахснинг исми-шарифи ҳам ҳавола этилади.

БМТнинг тергов гуруҳи бу рўйхатга Суданнинг бир қатор мансабдор шахслари, юқори мартабали ҳарбийлар ва ҳарбийлашган гуруҳ етакчиларининг номларини ҳам қўшишди.

БМТнинг Бош Ассамблеяси айбланувчиларни Гаага суди томонидан жавобгарликка тортилиши ҳақида қарор қилди.

Бироқ Судан томони фуқаролари ўз мамлакатида жавобгарликка тортилишини айтиб, уларни Халқаро судга топширмаслигини билдирди.

Озод этилди

Хориж ОАВ тарқатган маълумотга кўра, 28 март куни ўғирлаб кетилган 3 нафар Руминия журналисти озод этилган. Лекин бу маълумот расман тасдиқланганича йўқ.

Румин журналистлари Ироқда қисқа муддатли сафарда бўлишган эди.

«УНУТИЛГАН» ЗИДДИЯТЛАР ҚАЧОН ЭСЛАНАДИ?

Рейтерс ахборот агентлиги бўлимларидан бири ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, жаҳон оммавий ахборот воситалари кўпинча том маънодаги ижтимоий-сиёсий инқирозларга эътибор қаратмас экан.

Сўровномага жавоб берган мутахассислар ОАВ деярли эътибор қаратмаётган 10 та ижтимоий-сиёсий инқирозни кўрсатиб ўтишди. Конго Демократик Республикаси, Чеченистон, Гаити, Непал, Судан ва Колумбиядаги вазият шулар жумласидандир.

Тадқиқот муаллифлари баъзи воқеалар жаҳон ОАВларининг бош мавзусига айланиб, баъзилари нега ҳеч кимнинг эсига келмаётгани сабабини аниқламоқчи бўлишди.

Ўтган йилнинг охирида Осиёда рўй берган зилзила ва тўфон 300 мингга яқин одам ҳаётига зомин бўлди. Офат рўй берган жойлар анча вақтгача телеэкранлардан тушгани йўқ. Шу пайтнинг ўзида эса миллионлаб одамлар ҳаётига зомин бўлган Конго Демократик Республикасидаги урушни деярли ҳеч ким эслагани ҳам йўқ.

— Цунамини ёритиш осонроқ, у экранда зиддиятлар ёки қурғоқчилик ҳақидаги саҳналардан кўра таъсирлироқ кўринади, — деди Humanitarian Policy Group вакили Пол Харви.

Бундан ташқари кўпинча ОАВ оммани зиддиятлар ҳақидаги лавҳалар билан қизиқтириш мураккаб бўлгани учун ҳам уларни эътибордан четта қолдиришаркан.

Яна бир мисол. Рим Папаси Иоанн Павел II ҳаётдан кўз юмгани муносабати билан ёзилган мақолаю хабарлар сони 11 сентябрда рўй берган террорчилик актлари пайтида ёзилган мақолалар сонидан 3 баробар ошди. Католикларнинг етакчиси ўлимидан кейин жаҳон ОАВда 45 минг хабар ва мақола чоп этилди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот муаллифлари жаҳон ОАВ ва сиёсатчиларни «унутилган» зиддиятларни ҳам ёритишга даъват этди.

Хуршид РАУПОВ тайёрлади

ҲАММАСИ БОЛАЛАР УЧУН

Мамлакатимизда Сиҳат-саломатлик йили доирасидаги тадбирларни амалга оширишда Ибн Сино халқаро жамғармасининг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Куни кеча ушбу жамғарма томонидан Республика болалар ортопедия марказига зарур тиббий жиҳозлар ва дори-дармонларни топшириш маросими бўлди. Мазкур саховат ёрдами таркибига кирувчи дори воситалари вояга етмаган болаларда учрайдиган айрим касалликларни даволашда ниҳоятда асқотади.

— Бизнинг марказимизда болалар сон суягининг чала чиқиши, туғма чўлоқлик, бўйин қийшиқлиги, мия фалажи каби хасталиклар консерватив ва тез-кор йўл билан даволанади, — дейди марказ директори ўринбосари Комилжон Алимов. — Жамғарма томонидан тақдим этилган бу жиҳозлар ва дори-дармонлар марказда даволанаётган бемор болаларнинг тезда шифо топиб кетишларига ёрдам беради.

Маъмуржон МАҲМУД

«TOSHKENTDONMAHSULOT» ОАЖ

ФАОЛИЯТИ ЮЗАСИДАН МАЪЛУМОТЛАР ҲАҚИДАГИ ХАБАР

Хабарнинг тартиб рақами — 10

Ўзгариш юз берган эмитент органи: *ижроия орган*
Ваколати тугатилди: *Д.А.Шарипов — ижроия орган аъзоси.*
Янги сайланганлар: *С.Б.Ниёзов — раис ўринбосари, И.Б.Боқиев — «Тошкент гуруч» филиали раҳбари, Ж.А.Мадаминов — «Чиноз дон» раҳбари.*
Ўзгаришлар юз берган сана: *2005 йил 5 апрель.*
Қарор қабул қилган ваколатли эмитент органи: *Кузатув Кенгаши.*

«Toshkentdonmahsulot» очиқ акциядорлик жамиятининг 2005 йил 5 апрель ҳолатига аффилланган шахсларнинг рўйхати:

№	Аффилланган шахслар Ф.И.Ш	Аффилланган шахсга тегишли акциялар сони		Шахснинг аффилланганлигига асослар	Шахснинг аффилланишининг асосланишига эришилган сана
		дона	фоиз		
1.	«Ўздонмаҳсулот» АК	1 699 023	26	давлат улуши	2005 йил 24 март
2.	А.Д.Раҳимжонов	5720	0,092	Кузатув кенгаши раиси (КК)	2005 йил 24 март
3.	С.М.Алиев	6 920	0,112	КК аъзоси	2005 йил 24 март
4.	М.Т.Аъзамов	—	—	КК аъзоси	2005 йил 24 март
5.	З.Ф.Зокиров	242 820	3,716	КК аъзоси, «Turkiston invest» ИК	2005 йил 24 март
6.	Б.Б.Оқилхонов	—	—	КК аъзоси	2005 йил 24 март
7.	Л.В.Горловецкая	1400	0,023	КК аъзоси	2005 йил 24 март
8.	Л.П. Грифина	1200	0,018	КК аъзоси	2005 йил 24 март
9.	С.А.Йўлдошбоев	13 120	0,201	КК аъзоси	2005 йил 24 март
10.	Ю.Н.Лазданов	4200	0,068	КК аъзоси	2005 йил 24 март
11.	З.З.Нуриддинов	4800	0,075	Бошқарув раиси	2005 йил 24 март
12.	Ш.Ж.Одилбеков	13 620	0,216	Бошқарув аъзоси	2005 йил 5 апрель
13.	С.Б.Ниёзов	52 680	0,818	Бошқарув аъзоси	2005 йил 5 апрель
14.	А.А.Ҳакимов	3680	0,056	Бошқарув аъзоси	2005 йил 5 апрель
15.	И.В.Пронина	2000	0,031	Бошқарув аъзоси	2005 йил 5 апрель
16.	К.П.Измайлова	11 020	0,170	Бошқарув аъзоси	2005 йил 5 апрель
17.	Р.И.Назарбеков	1000	0,015	Бошқарув аъзоси	2005 йил 5 апрель
18.	Б.И.Боқиев	—	—	Бошқарув аъзоси	2005 йил 5 апрель
19.	Ж.А.Мадаминов	—	—	Бошқарув аъзоси	2005 йил 5 апрель

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: **67-99-88, 67-99-60.** **КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси

Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази қуйидаги объектлар бўйича

танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади.

1. Самарқанд вилояти, Тайлоқ тумани, «Чубот» қўрғонидаги ҳарбий қисм ошхонасини қайта таъмирлаш 1-босқич (калити билан).

2. Жиззах вилояти, Янгиобод тумани, «Қўшқанд» чегара постидаги 2 хонадонли турар жой биноси қурилиши (калити билан).

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси МҲХ ЧҚ 9113-ҳарбий қисми.

Манзили: Жиззах шаҳри.

Қурилиш ишлари Чегара қўшинларига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

Жиззах ш., Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона.

Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 (эллик минг) сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

«ЮВЕНТУС»НИ ТАРК ЭТМОҚЧИ

Италиянинг етакчи клубларидан саналган «Ювентус» ўйинчиси Алессандро Дель Пьеро мавсум якунида Лондон футбол жамоаларидан бирига ўтмоқчи эканини яширмаяпти. Пьеро Фабио Капелло мураббийлик қилаётган «Ювентус»да ўзини ноқулай сезмоқда. Агар моҳир футболчи ўз сўзида турса, Лондоннинг «Арсенал», «Челси» ва «Тоттенхэм» клублари Пьерони ўзларига чорлашлари мумкин.

«ОЛТИН БУТСИ» ДАЪВОГАРЛАРИ

Англиянинг «Арсенал» футбол клуби ҳужумчиси Тьерри Анри олий лига жамоаларидан саналган «Норвич Сити»га қарши учрашувда дарвозани уч марта ишғол этгач, «Олтин бутси»га даъвогарлардан анча илгарилаб кетди. «Нюренберг» клуби ҳужумчиси Марек Минтал бу борада иккинчи бўлиб турибди. Шунингдек, «Барселона» ҳужумчиси Самюэл Это эса Анридан бешта тўп орқада бўлиб, учинчи ўринда бормоқда.

ТАЛАБИ ҚАТЪИЙ



Ўта оғир вазнли собиқ жаҳон чемпиони, моҳир боксчи Хасим Раҳмон ўзининг иш юритувчиси Дон Кингга очиқ хат билан мурожаат қилиб, 2001 йил баҳоридаги шартнома низомини қайта кўриб чиқишни талаб қилди. «Мен сўзсиз Виталий Кличкога қарши жангга киришишдан мамнуният ҳосил қиламан, — дейди Раҳмон. — Фақат 2001 йил 9 майдаги келишувга риоя қилиниши зарур. Ҳужжатга баъзи ўзгартиришлар киритилгани маъқул эмас. Иш шундай ташкил этилиши керакки, асосий мақсад — қандай бўлмасин Виталий Кличко устидан ғалаба қозонишимга хизмат қилсин. Мен ўта оғир вазн бўйича жаҳон чемпиони унвонини қайтариб олишим керак». Бундай ўзига хос талабчанлик туфайли Раҳмон билан иш юритувчи Кинг ўртасида моддий манфаатдорлик масаласида келишмовчилик содир бўлди. Томонлар ҳозирча шартномани имзолаганларича йўқ.

Шеробод туманидаги 33-умумтаълим мактабида 800 нафардан ортиқ ўқувчи таълим-тарбия олади. Бу ерда ўндан зиёд фан ва спорт тўгараклари мавжуд бўлиб, мактаб жамоасининг кейинги йилларда қўлга киритаётган ютуқлари сезиларли бўлмоқда. Хусусан, мана икки йилдирки, улар вилоят миқёсида қўл тўпи бўйича туман шарафини ҳимоя қилиб келишмоқда. Жорий йил фан олимпиадаларида мактаб ўқувчиси Шалола Қултўраева географиядан вилоятда иккинчи, 11-синф ўқувчиси Нодир Алиқулов «Умид ниҳоллари» мусобақасининг вилоят босқичида ўзбек кураши бўйича совринли ўринлардан бирини қўлга киритди.

Шуни таъкидлаш жоизки, мактабнинг «Қалдирғоч» ёш ижодкорлар тўгараги фаолияти айниқса ибратли бўлмоқда. Ушбу тўгаракнинг йигирма нафарга яқин аъзоси адабиётнинг турли жанрларида ижод қилиб келмоқда. Улардан Моҳичеҳра Саидова, Нафосат Каримова, Ойбаҳор Ражабова, Дилноза Исмоиловаларнинг ижод намуналари вақтли матбуотда тез-тез чоп этилади.

✧✧✧

Суратларда: *33-ўрта мактаб француз тили фани ўқитувчилари Нарҳол Рашидова ҳамда Омонқул Ходиевалар дарс жараёнида.* t





Абдурасул ПАРДА олган суратлар

Бугун — Жаҳон саломатлик куни

«ДАРДГА ДАРМОН БЎЛАЙЛИК»

Тошкент шаҳар нефрология маркази директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари олий тоифали шифокор Искандар ЙЎЛДОШЕВ билан мулоқот

— Аввало, марказ фаолияти ҳақида қисқача тўхталсангиз. Буйрак касалликларининг келиб чиқиш сабаблари нимада?

— Марказимиз 1995 йилда шаҳар аҳолисига ихтисослаштирилган малакали тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилди. Бу ерда буйрак ва пешоб чиқариш йўллари хасталиклари, сурункали буйрак етишмаслигига чалинган беморларга ёрдам кўрсатилади.

Бугунги кунда аҳоли ўртасида буйрак хасталикларига чалиниш кўп учрамоқда. Бунинг сабаби атроф-муҳит, экологиянинг бузилиши, сувнинг ифлосланишидир.

Яна бир томони одамларимизда ўз соғлиғига бироз беэътиборлик кайфияти ҳукмрон, вақтида шифокор қабулига бориб, диспансер кўригидан ўтиб туришмайди. Айниқса, аҳоли орасида буйракнинг ўткир ва сурункали яллиғланиши, гломерулонефрит, буйракнинг иккиламчи кичрайиши, буйрак поликистози, амилоидоз, буйрак тош касаллиги, бошқа сурункали хасталикларнинг буйракка салбий таъсири кузатилмоқда.

Беморларни шифо топишида замонавий тиббий асбоб-ускуналар муҳим аҳамиятга эга. Биз ҳам марказимизда Германиянинг «Fresenius» фирмаси томонидан келтирилган сув тозалаш мосламаси, «сунъий буйрак» аппаратлари, гемодиализ учун тузлар, касалликларни аниқлашда эса ультратовуш тўлқинлари, рентген, радиоизотоп (ренография) орқали буйракнинг иш фаолиятини текширадиган тиббий жиҳозлардан кенг фойдаланамиз.

Мутахассис сифатида буйрак хасталикларининг, ҳомиладор аёлларда учраши мени ташвишга солмоқда. Шунинг учун ҳам ҳомиласи 28 ҳафталик бўлган хаста аёлларда текшириш ишлари олиб борилмоқда. Афсуски, ҳозирги кунда кўпчилик ҳомиладор аёллар буйрак жомчаларининг яллиғланиши (пиелонефрит) касаллигига чалинган.

Шифокор сифатида, қизларимизга тўйдан олдин, албатта мутахассис кўригидан ўтишни тавсия қиламан. Биз уларга бепул тиббий хизмат кўрсатамиз. Оилавий поликлиникаларда ҳам бундай хизматлар бепул амалга оширилади.

— Айтинг-чи, сурункали буйрак етишмаслигининг давоси борми? Ҳозирги пайтда хорижда буйракни кўчириб ўтказиш — «сунъий буйрак» қўйиш оддий ҳолга айланиб қолган. Бизда-чи?

— Буйрак танамизнинг «фильтри», ҳар қандай моддa буйрак «чиғириғи»дан ўтади. Кичрайган буйрак эса заҳарли моддаларни филтрлай олмайди. Оқибатда бундай чиқиб кетиши керак бўлган моддалар организмда қолади, бу эса буйраклар фаолиятини бузилишига олиб келади.

Очиғи, ўтган асрнинг 50-йилларигача бу касалликларга даво йўқ эди. 70-йиллардан бизга ҳам «сунъий буйрак» қўйиш усули кириб келди. «Сунъий буйрак» — яъни гемодиализ аппарати — касалланган буйраклар ўрнини бажаради. Унинг вазифаси — ўткир, сурункали буйрак касаллигида қон таркибидаги моддалар алмашинувини яхшилаш, организмда шиш пайдо бўлишининг олдини олиш, қон таркибидаги заҳарларни, ортиқча сувни чиқариб ташлашдан иборат. Сунъий буйрак беморнинг умрини узайтиради. Бу борада биз германиялик мутахассислар билан ҳамкорлик қилаяпмиз.

Сунъий буйракка керак бўладиган қон тозаловчи диализаторларни ҳамда муолажада ишлатиладиган тузларни қўллаш яхши самара беряпти.

Ҳозирча марказимиз республикамизда ихтисослаштирилган тиббий маскан ҳисобланади. Муаммоларимиз ҳам бор. Кейинги йилларда беморлар сони ортяпти, марказни ҳар томонлама кенгайтиришга эҳтиёж сезиляпти. Яна бири беморларни сунъий буйрак усулида даволашда керак бўладиган тиббий асбобларга эҳтиёж ортмоқда.

Беморлар дардига даво бўлиш энг савоб ишдир. Зеро, шифокорларимиз бу йўлда доим изланишда.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ суҳбатлашди.

Журналнинг янги сони

«МУЛОҚОТ» САҲИФАЛАРИДА

Журналнинг бу йилги иккинчи сони ҳам ўқувчилар қўлига етиб борди. Нашр этила бошлаганига ўн беш йил тўлиши муносабати билан ушбу сонда бир қатор олимлар, етакчи журналист ва адабиётшуносларнинг журнал фаолияти ҳақидаги фикрлари, дил изҳорлари эълон қилинган.

Янги сон Президентимизнинг «Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ» номли китоби таҳлилига бағишланган мақола билан очилади. Мақола муаллифи, фалсафа фанлари доктори Қиём Назаров давлатимиз раҳбарининг 2003-2004 йиллардаги Олий Мажлис сессиялари, Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий кенгашлар йиғилишлари, халқаро учрашув, анжуман ҳамда тантанали маросимлардаги маъруза, нутқ ва чиқишлари ўрин олган мазкур 12-жилдга атрофлича тўхталиб, унинг тарихий аҳамияти хусусида сўз юритади.

Мамлакатимиз таълим тизимида туб ислоҳотлар жараёни кечаётган бир пайтда, касб-ҳунар таълимини янада такомиллаштириш, замонавий педагогик технологияларни жорий этиш ҳамда билим масканларини малакали ўқитувчи-кадрлар билан таъминлаш бугунги кун талабидир. «Касб-ҳунар — инсон зийнати» номли мақола муаллифи фалсафа фанлари доктори, профессор Назар Ҳакимов ўз чиқишида Қашқадарё вилоятида ёшларнинг касб-ҳунар эгаллашлари учун яратилаётган шароитлар, қолаверса, соҳадаги айрим муаммоларга эътиборни қаратади.

«Меҳр кўп кўргизди...» номли мақолада журнал бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоири Барот Бойқобилов халқимиз ардоқлаган шоира Зулфия ҳақидаги ёрқин хотиралари билан ўртоқлашган. Таниқли адабиётшунос ва таржимон Асил Рашидовнинг «Чингиз Айтматов мактаби» мақоласида эса буюк адиб, ўлмас асарлари ҳақида фикр юритилади.

Бундан ташқари, журнал саҳифаларида Соҳибқирон Амир Темур жасоратию, одил салтанат ҳукмдори сифатида авлодларга қилган ўгитларига ҳам кенг ўрин берилган.

Абдуқаюм ПАРДАЕВ, фалсафа фанлари номзоди

Футбол

«НЕФТЧИ» — «АЛ-СААД» — 2:0

Кеча Осиё чемпионлари лигасида учинчи тур учрашувлари ўтказилди. Мусобақанинг «С» гуруҳида қатнашаётган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси ўз майдонида Қатарнинг «Ал-Саад» футболчиларини қабул қилди.

Маълумки, таркибида бир қатор хорижий легионерларни жамлаган рақиб жамоасига босниялик машҳур мураббий Бора Милутинович раҳбарлик қилмоқда. Милутинович турли йиллардаги жаҳон чемпионатларида Мексика, АҚШ, Коста-Рика, Хитой терма жамоаларини бошқарган. Ушбу учрашувгача «Ал-Аҳли» (БАА) жамоасини 2:0 ҳамда «Ал-Қувайт» (Қувайт) футболчиларини 1:0 ҳисобида енгган тажрибали мураббий шогирдлари Фарғонага ҳам кўтаринки кайфиятда ташриф буюришди.

Бу йилги мавсумни ғалаба («Ал-Қувайт», 1:0) билан бошлаган «Нефтчи» жамоаси ўтган турда сафарда «Ал-Аҳли» футболчиларидан йирик ҳисобда (0:3) енгилганди. Ўз мухлисларини қувонтириш иштиёқида майдонга чиққан фарғоналиклар чиройли ва ҳужумкор ўйин намойиш этди. Номдор мураббий бошқараётган «Ал-Саад» дарвозасига жавобсиз икки тўп киритилди. Рақиблар дарвозасига тўпларни Анвар Бердиев ҳамда Носир Отақўзиевлар йўллашди. Шундай қилиб, иккинчи ғалабага эришган Юрий Саркисян шогирдлари мусобақанинг кейинги босқичига чиқиш имкониятини сақлаб қолдилар.

ОЧЛнинг «Д» гуруҳида иштирок этаётган «Пахтакор» (Тошкент) жамоаси эса сафарда гуруҳ пешқадами Саудия Арабистонининг «Ал-Аҳли» футболчилари меҳмони бўлди.

Эркин ХОЛБОБО

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

«ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»

Сизларга биржа савдоларида қатнашиш билан бирга ўз мулкингизни биржа савдолари орқали сотиш ҳамда бошқа кўчмас мулк ёки бошқа бир биржа товарларини сотиб олишингизни енгиллаштириш мақсадида брокерлик ўринларини таклиф этади.

Брокерлик ўринлари фақат юридик шахсларга берилади ва брокерлик ўрнини олиш учун ариза ва қуйидаги ҳужжатларнинг нусхаларини топширадилар:

- Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома (брокерлик фаолиятини юритиш ҳуқуқи билан), низом ва юридик шахснинг таъсис ҳужжатларидан нусха;
- Корхона номидан брокер бўлиб ишлаш учун буйруқ ва ишончнома;
- Брокерлик ўрни эгасининг шахсий варақалари;
- «Кўчмас мулк биржа бозорида савдоларнинг профессионал иштирокчиси сифатида фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини олганлик» тўғрисида Давлат шаҳодатномаси (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан берилади);
- Брокерлик ўрни эгасининг иккита 3 х 4 шаклдаги фотосурати;
- Брокерлик ўрни эгасининг паспорти.

Ариза ва ҳужжатлар «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази» биржа савдолари бўлимида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй, Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси биноси, 4-қават, 402-хона. Телефонлар: 133-46-61, 132-25-51, факс: 133-20-74.; www.tshmbm.uz; эл.почта: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz

ЭСЛАБ ҚОЛИНГ ВА ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Ер юзи аҳолиси бугун турли хасталикларидан ўзини муҳофаза қилиш устида бош қотирмоқда. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, дунё болалари нафас йўллари инфекцияси, диарея, безгак, қизамиқ, тўйиб овқат емаслик муаммосидан азият чекяпти.

●●●

Диарея — организмда бўладиган сувсизлик, қуруқшаб қолиш касаллиги туфайли ривожланаётган мамлакатларда ҳар йили 2,2 миллион нафар бола нобуд бўляпти.

●●●

Дунёда 1,1 миллиард одам тоза ичимлик сувидан маҳрумдир. Ифлос сув истеъмол қилиш ҳар йили 4 миллион боланинг ҳаётига зомин бўляпти.

●●●

1990 йилда Африка ва Осиёда 3 миллион киши Гвинея чувалчанги келтириб чиқарадиган ва сув орқали ўтадиган «дракункулёз» деб аталган хасталикка чалинди.

●●●

Яхши парвариш қилмаслик ва етарли тиббий ёрдам кўрсатилмагани боис ҳар йили 585 минг аёл ҳомиладорлик ва туғиш пайтида ҳаётдан кўз юмади. Яна 50 миллиондан ортиқ аёл туғиш жараёнидаги мураккабликлар туфайли содир бўлган сурункали дармонсизланиш, тўғри даволамаслик оқибатида етказилган жароҳатлари билан яшашга мажбурдирлар.

●●●

Ер юзида 23 миллион одам ОИТС инфекциясини ўзига юқтирган. Ҳар йили ОИТСга чалинган 1,5 миллион киши оламдан ўтяпти.

Ҳикматли сўзлар маъноси

ШАВЛА КЕТСА-КЕТСИН, ОВРА КЕТМАСИН

(овра — «обрў» сўзининг талаффузга мослаштирилгани.) «Қопнинг гарди кетса-кетсин, Одамнинг бурди кетмасин». Булар билан: «Одамларга яхшилик қил, бу йўлда унча-мунча нарсангни аяма, сахий бўл», дейилмоқчи.

ЧУМЧУҚ СЎЙСА ҲАМ, ҚАССОБ СЎЙСИН

«Бировга бир иш қилдирадиган бўлсанг, у иш арзимаган, кичкина бўлса ҳам — устасига, қўлидан келадиган одамга мурожаат қил», деган маънода айтиладиган бу мақолнинг қуйидаги вариантлари бор: «Қўйингни қассоб сўйсин, ошни ошпаз пиширсин»; Олтинни заргар сўқсин»; «Ямоқчининг ишини сувоқчи билмас»; «Подачи ношуд бўлса, соғ отни ҳам чўлоқ қилади»; «Ҳар ким ўз касбига омил».

Сведения по ОАО «RAUPXON»
Баланс на 1 января 2005г.

ОАО «RAUPXON»

тыс.сум

	Актив	Пассив
Остаточная стоимость осн. средств	726847,4	
Капитальные вложения	117006,3	
Долгосрочные инвестиции	37064,3	
Товарно-материальные запасы	754031,8	
Денежные средства	9611,2	
Прочие активы	772,3	
Дебиторы	63011	
Уставной капитал		51000
Резервный капитал		290598,2
Нераспределённая прибыль		892213,5
Текущая кредитор. задолженность		474532,6
Итоги	1708344,3	1708344,3

Отчёт о финансовых результатах на 01.01.2005 г.

Чистая выручка от реализации	1811447,7
Себестоимость реализованной продукции	1052459,3
Расходы периода	221833,1
Прочие доходы от основной деятельности	7700,6
Финансовый результат до уплаты налога на прибыль	544855,9
Налоги	111571,3
Чистая прибыль	433284,6

Достоверность данных, содержащихся в годовом отчете, бухгалтерском балансе, подтверждена аудиторской фирмой ООО «Аудит-Барака» (лицензия Минфина РУз серия АФ №00278 от 12.11.2001г.)

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят ва Паркент туман кенгашлари, жамоалари вилоят партия кенгаши аъзоси, ЎзХДП фаоли Дилфуза Маҳкамовага волидаи муҳтарамаси **КАРИМА ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси раҳбарияти ва жамоаси маъмурий-хўжалик бўлими бошлиғи Нуриддин Насирдинович Қамаровга волидаи муҳтарамаси **УМИРХОН ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA'DULLAYEV
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 354
9389 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O'zA yakuni — 22.30.
Topshirish vaqti — 23.15
1 2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda